



Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgzt.uz www.adolatgzt.uz www.adolat.uz № 31 (1252) 2019-yil 2-avgust, juma

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ, ЯНАДА САМАРАЛИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг таклифига биноан 31 июль — 1 август кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 1 август кuni Минск шаҳридаги Мустақиллик саройида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко тор доирада учрашув ўтказди.

Давлатимиз раҳбари таклиф ва кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Беларусь билан шериклик муносабатларини кенгайтиришга устувор аҳамият қаратишини қайд этди.

— Сизнинг Ўзбекистонга тарихий ташрифингиздан, музокараларимиздан сўнг мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда янги ва аниқ мазмун билан бойиди ва бу ўз самарасини бермоқда. Давлатларимиз ҳудудлари ўртасида сермахсул алоқалар йўлга қўйилгани бунга ёрқин мисолдир. Биз ўзаро алмашувлар учун яхши пойдевор яратдик. Барча даражаларда ҳамкорлик

қилишга иштиёқ бор. Бугун биз эришилган натижаларни таҳлил қилишимиз, шунингдек, истиқболда муваффақиятли ҳамкорлик қилиш мумкин бўлган ўсиш нуқталарини биргаликда белгилаб олишимиз зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Беларусь Президенти олий мартабали меҳмонни қўлаб, ҳамкорликда қисқа фураатда катта натижаларга эришилаётгани, мазкур ташриф уни янада юқори босқичга олиб чиқишини таъкидлади.

— Охириги икки йилда Сиз билан биргаликда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни бутунлай ўзгартириб юбордик, мохиятан, уларни янгидан йўлга қўйдик. Шу вақт ичиде амалга оширган ишларимиз ўтган 25 йил давомида қилинганидан ҳам ортиқ бўлди. Давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳамжи ҳозирги кун талабларига жавоб бермайди, уни изчил ошириб бориш лозим.

2-BET

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ



Давлат дастурининг ижроси қониқарлими?

ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИРОЗ БИЛДИРДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2019 йил биринчи ярмида бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи атрофлича муҳокама қилинди.

Партия депутатлари эътироф этганидек, Ҳукумат томонидан тақдим этилган ушбу ҳисобот жорий йилнинг 1-чо-

рагидаги ҳисоботга нисбатан сифатли ва Давлат дастуридаги бажарилган ишлар батафсил ёритилгани билан аҳами-

ятлидир. Шунингдек, ҳисоботнинг дастлабки қисмида Қонунчилик палатаси томонидан 1-чорак якунлари бўйича Давлат дастури ижросини сифатли ва ўз вақтида таъминлаш юзасидан қабул қилинган қарорлар ижросига батафсил тўхталиб ўтилган. Бу жараён Давлат дастурининг бажарилишида Олий Мажлисининг иштироки ҳамда Ҳукумат ва парламент ўртасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилганидан далолат беради.

3-BET

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи муҳокама этилди ФРАКЦИЯМИЗ ТАКЛИФИ ИНОБАТГА ОЛИНМОҚДА

Жорий йилнинг 1 август кuni Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Вазирлар Маҳкамасининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2019 йил II чорагида бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи” кўриб чиқилди. Ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Азиз Абдуҳақимов тақдим этди. Тадбирда барча мутасадди вазирликлар ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, 2019 йилнинг 1 ярим йиллигида 139 та топшириқлар белги-ланган бўлиб, 106 банд ижроси тўлиқ бажарилган. Жумладан, II чорада Давлат дастурининг 77 та банди ижроси таъминланиши режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида 55 та банднинг 71 фоиз) ижроси тўлиқ бажарилган. Бунда, жами 50 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, 2 та қонун, Олий Мажлис палаталарининг 2 та қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 8 та фармони ва 19 та қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси-

нинг 19 та қарор ва фармоишлари қабул қилинди. Бундан ташқари, 1 ярим йилликда якунига етказилмаган 23 та банд ижроси бўйича ишлар турли босқичларда амалга оширилмоқда ва 10 та банднинг ижро мuddати белгиланган тартибда узайтирилган.

Абдуҳақимов кенг жамоатчилик ва депутатлар томонидан сўнгги пайтларда кўтарилаётган ижтимоий муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан таклифлар Ҳукумат томонидан эътиборда эканлигини қайд этди.

2-BET

Бугунги сонда:

Самарқандга ҳар соҳада муносиблик, ибрат ва ташаббускорлик ярашади **3**

Фирибгарлар ўз ҳамшаҳарларини 182 миллион сўмга чув туширди **6**

Сайлов қонунчилиги: Демократиянинг ёрқин ифодаси **7**

Оролга қуйилиши керак бўлган сув қаерга оқмоқда? **8**

«ADOLAT»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ПРОТЕСТ

келтирилмади

Фуқаро Б.Шерматовнинг “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятига уй-жой низосига доир суд қарорларидан норози бўлиб ёзган аризаси кўриб чиқилди.

Аниқланишича, даъвогар М.Давронова турмуш ўртоғи Б.Шерматовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда Касби тумани, “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини, Муғлон қишлоғида жойлашган уй-жойга мажбурий тартибда киритиб қўйишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Касби туманлараро судининг 13.03.2019 йилдаги ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилган. Фуқаролик ишлари бўйича вилоят суди апелляция инстанциясининг 23.04.2019 йилдаги аҳрими билан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд томонидан даъво аризасининг қаноатлантирилишига, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддаси 1-қисми талабига кўра, даъвогар М.Давронованинг Касби тумани, “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини, Муғлон қишлоғида жойлашган уй-жойда яшаш ҳуқуқининг мавжудлиги асос бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида фуқаролик иши кўрилиб, 15.05.2019 йилдаги (судья А.Маткаримов) Б.Шерматовнинг назорат тартибда келтирган шикоятини қаноатлантиришни рад этиш ҳақида аҳрим чиқарилган.

Аризага асосан суд қарорларининг қонунийлигини ўрганилганида, протест келтириш учун тақдимнома киритишга етарли асослар топилмади. Бу ҳақида ариза муаллифига ёзма равишда маълум қилинди.

Қашқадарё вилояти прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Ш.Т.АШИРОВ.

келтирилди

Вилоят прокуратураси томонидан фуқаро А.Жултаеванинг суд қарорларидан норози бўлиб йўллаган мурожаати фуқаролик ишлари билан бирга ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Куйичирчик туманлараро судининг 14.05.2019 йилдаги сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори билан, жавобгар 28.10.1982 йилда туғилган Жултаева Алия Жаникул қизини вояга етмаган фарзандлари билан Чинози Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Каналобод маҳалласи, А.Норқўзиев кўчаси 33-уйдан бошқа турар жой бермасдан кўчирилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Куйичирчик туманлараро судининг 25.06.2019 йилдаги аҳрими билан А.Жултаеванинг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилиш ва иш янгидан кўриш тўғрисидаги аризаси рад қилинган.

Вилоят прокуратураси томонидан мазкур суд қарорига кассация тартибиде протест келтирилиши таъминланиб, мурожаат қаноатлантирилди ва бу ҳақда муаллифга маълум қилинди.

Тошкент вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси З.С.КАРАЕВ.

ТАҲРИРИЯТДАН: Аввало газетамиздаги чиқишларга ўз вақтида жавоб қайтарганиликларини учун Қашқадарё ҳамда Тошкент вилоятлари прокуратураларига миннатдорлик билдирамыз. Уқинингиздек, бир мурожаат юзасидан кассация тартибиде протест келтирилган, иккинчиси бўйича эса бундай ҳаракат учун етарли асос топилмаган. Албатта, биз ўз соҳасининг мутахассисларига ишонамиз. Айни пайтда газета — кўпчиликнинг минбари эканини, унга исталган фуқаро ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан мурожаат этиши мумкинлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз. Уларга ҳолис ҳуқуқий баҳо бериш эса тегишли ташкилотлар зиммасида қолади. Биз учун муҳим — адолат тантанаси. Зеро, адолат бор жойда тараққиёт, қут-баракат, қўнғил хотиржамлиги ҳамда бутунлиги ва эртанги кунга қатъий ишонч бўлади.

ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАСИ

Ўз сўзи, ўз позицияси бўлмаса, ХАЛҚ ПАРТИЯГА ЭРГАШМАЙДИ

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг янги Сиёсий дастури ҳамда Сайловолди дастури лойиҳалари юзасидан муҳокама-лар партия тизимида қизгин давом этмоқда. Ушбу муҳокамаларда партия депутатлари ва фаоллари, мутахассислар мазкур лойиҳалар юзасидан кескин танқидий фикрлар билдириб, аниқ таклифлар ва уларни амалга ошириш механизmlарини илгари сурмоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, Сиёсий дастур ҳамда Сайловолди дастур лойиҳаларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи ушбу фикр ва таклифларнинг барчаси партия экспертлар гуруҳлари томонидан атрафлича кўриб чиқилмоқда.

Қуйида ана шундай фикр ва таклифлардан айримлари билан танишасиз:

4 — 5

ЎЗБЕКИСТОН ВА БЕЛАРУСЬ ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ, ЯНАДА САМАРАЛИ БОСҚИЧИГА ҚАДАМ ҚЎЙМОҚДА

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Сизнинг худудларни ҳамкорлик билан ўзаро боғлаш борасидаги ташаббусингиз — ушбу ташрифнинг ўзига хос жиҳати. Худудлар раҳбарларининг ўзаро ташрифлари уюштирилди, кўргазмалар ва маданият кунлари ташкил этилди. Буларнинг барчаси Беларусга ташрифнинг аҳамиятини янада оширади. Энг асосийси, маҳаллий маъмуриятлар бошлиқлари ҳамкорликка доир кўплаб шартномалар имзолади. Бизнинг ишимиз — йўлни очиб беришдан иборат эди ва биз бунинг уддасидан чиқдик, — деди Александр Лукашенко.

Ўзбекистон — Беларусь ҳамкорлиги кейинги йилларда анча фаоллашди. Давлатлараро муносабатлардаги янги муҳит ҳалқларимиз ҳаётида акс этмоқда. Икки мамлакат тармоқлари, худудлари ва бевосита ишбилармонлари яқин алоқаларни йўлга қўйди. Бу икки томон ҳам ўзаро манфаатли, дўстона ҳамкорлик тарафдорлигини экананинг ёрқин ифодаси бўлди.

Ўзбекистон Президентининг Беларусга илк расмий ташрифи арафасида ташкил этилган тадбирлар сермазмун ва гоят натижадор бўлгани бунинг далилидир.

Мамлакатларимиз халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. Президентларимиз турли саммитлар майдонидан ҳам учрашувлар ўтказиб, ўзаро алоқаларнинг истиқболли йўналишлари бўйича доимий мулоқот қилиб келмоқда.

Бугунги кунда савдо-иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, транспорт-коммуникация йўлақларини ривожлантириш, саноат кооперациясини ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўлиб қолмоқда.

Мулоқотда Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг бугунги ҳолати, ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари учинчи мамлакатлар бозорларини ўзлаштириш мақсадида коопе-

рацияни кучайтириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратдилар. Шунингдек, беларуслик шериклар тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон билан Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳамкорлиги истиқболлари кўриб чиқилди. Халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Музокара расмий делегациялар иштирокида кенгайтирилган таркибда давом эттирилди. Унда ўзаро савдо кўламини ошириш, минтақаларо ҳамкорлик учун янги йўналишлар очилди, илм-фан, инновациялар, рақамли технологиялар, таълим ва туризм соҳаларидаги алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари кейинги икки йилда товар айирбошлаш ҳажми қарийб 4 баробар ўсганини, бу суръатни сақлаб қолиб, савдо айланмасини янада ошириш кераклигини таъкидлади. Бунинг учун махсулот етказиб берувчилар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни йўлга қўйиш, бизнес форум ва кўргазмаларни кўпроқ ташкил этиб, ўзаро манфаатли йўналишларни аниқлаш ва барча имкониятларни тўлиқ ишга солиш муҳимлигини қайд этди.

Ўзбекистон Беларусга тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё саноати махсулотлари, рангли металл ва ундан тайёрланган усунчи ва буюмлар, транспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар экспорт қилади. Беларусь мамлакатимизга қишлоқ хўжалиги техникаси, озиқ-овқат товарлари, ёғоч, резина ва каучук, қора металл ва бошқа махсулотлар етказиб беради.

Президентимиз Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия савдо оқими учун чуқур таҳлил қилиб, товар айирбошлаш ҳажмини жадал ошириш бўйича аниқ тақлифлар ишлаб чиқиши кераклигини таъкидлади. Ўзаро тажриба ва технологиялар алмашиш орқали рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқариш, улар билан ҳам ички, ҳам унчи давлатлар бозорини тўлдириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Александр Лукашенко Бела-

русь — Ўзбекистон ҳамкорлиги шунчаки дўстона муносабатлар билан чекланмаслигини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ташрифнинг кўп қиррали дастури мулоқотни ҳар томонлама ривожлантиришга ўзаро интилишнинг ёрқин тасдиғи бўлганини қайд этди.

Ўзбекистон иқтисодиётни диверсификация қилишда катта ютуқларга эришти, автомобилсозлик, нефть-газ кимёси саноати, қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқариш каби янги тармоқлар ташкил этилди. Беларусь қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр, — деди Александр Лукашенко.

Беларусь узоқ муддатли ҳамкорлик дастурини амалга ошириш, қўшма корхона ва сервис марказларини ташкил этиш, сутни қайта ишлаш замонавий мажмуалари, фармацевтика қувватларини ишга тушириш, ахборот технологиялари соҳасида шеърликни мустаҳкамлашдан манфаатдор экани қайд этилди.

Қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, тўқимачилик, чарм-тери ва озиқ-овқат саноати, фармацевтика ва иқтисодиётнинг бошқа истиқболли тармоқларида кооперацияни янада кучайтириш ҳам устувор йўналишлар экани таъкидланди.

Икки мамлакат худудларидаги мавжуд салоҳиятни тўла юзасига чиқариш бўйича яқин фикр билдирилди. Ўзбекистон Президентининг ташрифи арафасида Минскда ўтган форумда томонларнинг ҳамкорликка интилиши катъийлиги, ўзаро манфаатли лойиҳалар кўплиги намоён бўлди.

Фан, инновациялар, рақамли технологиялар, таълим соҳалари ўзаро муносабатларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Чунки буларсиз ҳамкорликнинг узоқ муддатли истиқболлини белгилаб бўлмайди.

Беларусьнинг рақамли технологиялар, дастурлаш ва ахборот коммуникацияларини жорий этиш борасидаги илғор тажрибасига қизиқиш кучли. Музокарада таълим соҳасига тегишли дастур ва лойиҳаларни қўллаб-

қувватлаш, биргаликда тадқиқотлар олиб бориш, қўшма факультет ва лабораториялар очилди, уларга ёшларни жалб этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик тобора фаоллашмоқда. Ўтган йили Беларусь Президентининг ташрифи доирасида Нормандия-Готландия Тошкент давлат педагогика университети базасида Беларусь — Ўзбекистон таълим маркази очилди. Бугунги кунда икки мамлакатнинг 15 олий таълим муассасаси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўртимизда фан, маданият, санъат ва бошқа соҳалардаги ўзгаришларда беларусь миллия тиги мансуб юртдошларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Тошкент шаҳрида «Свитанак» беларусь маданият маркази самарали фаолият олиб бормоқда. Унинг бир неча фаоли Президентимиз фармонида кўра давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган.

Ўтган йили Тошкентда атоқли беларусь адаби ва жамоат арбоби Якуб Коласнинг бюсти ўрнатилган эди. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи арафасида кун кеча Минск шаҳрида улғушор ва мутафаккир Алишер Навоий бюсти очилгани халқларимизнинг маданий алоқалари янги босқичга кўтарилганининг яна бир яққол ифодаси бўлди.

Музокаралар якунида қабул қилинган қарорлар ва имзоланган битимларни амалга ошириш бўйича қўшма «Йўл харитасини» ишлаб чиқиш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Хужжатларни имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида 11 хужжат имзоланди. Улар ишлаб чиқариш ва илмий-техник кооперация, худудлараро ва инвестициявий ҳамкорлик, таълим, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва полиграфия фаолияти, ахборот-коммуникация технологиялари, божхона ва

бошқа соҳаларга тааллуқлидир. Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда давлат раҳбарлари музокаралар очилди ва конструктив руҳда ўтгани, ўзаро манфаатли келишувларга эришилганини таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари музокаралар гоят самарали бўлгани, томонларнинг яқин фикри ва сиёсий иродаси туфайли барча масалаларда ижобий натижаларга эришилгани, муносабатлар мутлақо янги тарзда ривожланишига давом этишини таъкидлади.

— Яхши аънамага айланган доимий учрашувларимиз Ўзбекистон билан Беларусь ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантиришга мустаҳкам асос яратди. Бугун дўстона муҳаббатга ўтган музокараларда икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиб, истиқболдаги янги вазифаларни белгилаб олдик. Эришилган келишувлар сиёсий, савдо-иқтисодий, инновацион ва маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган, — деди Шавкат Мирзиёев.

Беларусь Президенти ўтган йили мамлакатларимиз ўзаро савдо айланмаси охириги йиллардаги энг юқори кўрсаткичга чиққани, бу ижобий тенденция жорий йил ҳам давом этаётганини таъкидлади.

Музокараларимиз ўзаро ишонч ва дўстона руҳда ўти ҳамда Беларусь ва Ўзбекистон стратегик шериклар эканини яна бир бор тасдиқлади. Ўзбекистоннинг кейинги уч йилда эришаётган муваффақиятлари дўст сифатида бизни жуда қувонтиради. Мамлакат раҳбарияти иқтисодий тармоқларини нафақат модернизация қилаяпти, балки саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда инқилобий ўзгаришларни амалга ошираяпти, янги йўналишларни ҳаётга татбиқ этаёпти. Бу ҳамкорлигимиз янада самарали бўлишига умид бағишлаяйди, — деди Александр Лукашенко.

Томонлар бундан буён ҳам халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб-қувватлашда давом этишини тасдиқладилар.

Ташриф арафасида Минскда ўтган худудлараро форумда икки мамлакат шахар ва вилоятлари ўртасида 12 хужжат, шунингдек, умумий қиймати қарийб 300 миллион доллар бўлган шартнома ва битимлар имзолангани қайд этилди.

Шу кунларда Беларусьда давом этаётган Ўзбекистон маданияти кунлари ёрқин воқеа бўлиб, халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга ҳизмат қилиши таъкидланди.

Президентлар Шавкат Мирзиёев ва Александр Лукашенко халқларимиз дўстлиги ва биродарлигининг рамзи сифатида Фахрий меҳмонлар боғига қўнат ўтказдилар.

Куннинг иккинчи ярмида давлат раҳбарлари Минскда ташкил этилган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» бренди остидаги миллий махсулотлар кўргазмасига ташриф буюрди. Мамлакатимизнинг кенг турдаги махсулот ва хизматлари учун «БелЭкспо» миллий кўргазмалар марказида алоҳида мажмуа ажратилган.

3 минг квадрат метрлик ёпик манежда 25 та эксклюзив стендлар қурилиб, «Ўзлехсанот», «Ўзтўқимачиликсаноат», «Ўзарманоат», «Ўзбеккозиқовқатхолдин», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекнефтгаз», «Ўзсаноатуришматериаллари», «Ўзтрейд», Навоий ва Олмалик кон-металлургия комбинатлари каби етакчи компания ва уюшмалар, Фармацевтика тармоғини ривожлантириш, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентликлари махсулотлари кўргазмага қўйилган.

500 квадрат метр оқик майдонда эса автомобиллар, қишлоқ хўжалиги техникаси, юк машиналари, автобуслар ва бошқа товарлар намойиш этилмоқда. Кўргазмада ўн та вилоятимиздан юздан зиёд корхона ва тадбиркорлик субъектлари ўз махсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Ўртимизнинг туризм салоҳияти тарғиботи ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

29 июль куни очилган ушбу кўргазмага Беларусьнинг барча худудларидан ишбилармон доиралар, савдо ва саноат ташкилотлари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари келмоқда.

Александр Лукашенкога мамлакатимиз компанияларининг қуввати ва салоҳияти, махсулотларнинг сифати ҳақида сўзлаб берилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон компания ва агентликларининг мутасаддиларига Беларусьдаги манфаатдор корхоналар билан кооперация алоқаларини ўрнатиш, қўшма савдо ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Президентимиз Беларусь Бош вазир Сергей Румас ҳамроҳлигида Минск шаҳрида «Беларусь» юқори технологиялар парки фаолияти билан танишди.

Ушбу парк 2005 йилда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қўлай муҳит яратиш, шу орқали мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида ташкил этилган. 2014 йилда унга қатор имтиёзлар берилиб, фаолият йўналишлари кенгайтирилган.

Бугунги кунда мазкур парк дастурлаш, ахборот технологиялари, иқтисодиёт тармоқлари учун инновацион ечимлар, консалтинг ва бошқа йўналишларда етакчи марказлардан бирига айланган. Бу ерда ишлаб чиқилган дастурий махсулотларнинг 90 фоиздан зиёди экспорт қилинмоқда, 67 мамлакат компаниялари уларнинг бюртмачилари ҳисобланади.

Президентимизга парқда банк-молия, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги, экология ва бошқа соҳалар учун яратилган инновацион ечим ва ишланмалар ҳақида маълумот берилди.

Давлатимиз раҳбари мазкур технопарк резидентлари имкониятларининг Ўзбекистонда тақдирини ташкил этиш тақлифоти илгари сурди. Технопарк ҳамкорлики мустаҳкамлаш, қадрлар тайёрлаш ва тажриба алмашиш бўйича алоқаларни кенгайтириш юзасидан тавсиялар берилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Беларусь Республикасига расмий ташрифи ниҳоятда муваффақ бўлди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, ЎЗА махсус мухбири Минск.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи муҳокама этилди

Фракциямиз таклифи инобатга олинмоқда

Давоми. Бошланғичи 1-бетда

Шунингдек, мамлакатимиз тараққиётга бефарқ бўлмаган барча оммавий ахборот воситалари, блогерлар, фуқароларимиз ва депутатларга алоҳида миннатдорлик билдириди.

Эътиборли томони, Бош вазир ўринбосари Ўзбекистон «Адолат» СДП фракциясини вакиллари томонидан кўтарилган ва Вазирлар Маҳкамасига юборилган «тонировка» ва «термоплёнка» масаласига ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, зълон қилиниши кутилаётган қарорда фракциянинг таклифлари ҳам ўз аксини топганлиги таъкидланди.

Шунингдек, ҳисоботда бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланган турар ва нотурар жойларни бузиш ҳамда уларга компенсация тўлаш масаласида ҳам сўз юритилди.

Президентимиз топшириғи билан шу йилнинг 27 июль куни Бош вазир томонидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ушбу йўналишда янги тизим жорий этилиши белгиланди. Бу бўйича тегишли қарор қабул қилинади, — деди А.Абдуҳакимов. — Маълумот учун айтиш мумкинки, ҳозиргача юридик шахсларнинг бузи-

лишга тушган 3800 та объектларнинг жами компенсация миқдорининг 70 фоиз маблағи тўланмаган. Бу қардорликнинг асосий қисми Тошкент шаҳри, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ҳиссасига тўғри келади. Энди бундай бўлмайди.

Янги тизим бўйича вилоят ҳокимлари томонидан бузилиши режалаштирилган худуд бўйича материаллар Вазирлар Маҳкамасига киритилади. Вазирлар Маҳкамасида Бош вазир биринчи ўринбосари А.Раматов томонидан шахарсозлик талаблари бўйича пухта ўрганилади. Молиявий тўловларни ўз вақтида тўлаб бериш масалалари Бош вазир ўринбосари Ж.Қўчқоровга киритилиб, тегишли ҳисоб-китоблар олингандан сўнг Бош вазирга таклиф сифатида киритилади. Фақатгина шундан сўнггина бузиш масаласи бўйича бир қарорга келинади.

Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов дарахтларнинг ноқонуний кесилиши масаласига ҳам эътибор қаратди. Дарахтларни кесиш бўйича ҳам депутатлар, кенг жамоатчиликдан кўплаб таклифлар, эътирозлар келиб тушаётганини қайд этилди. Бу бўйича ҳам алоҳида чора-тадбирлар белги-

ланиб, тегишли жазоларни янада кучайтириш, бу борада жамоатчиликни кенг жалб этиш, умуман олганда, бутун республика бўйича дарахтларни кесиш ҳолларига умуман йўл қўймасликка қаратилган Вазирлар Маҳкамаси қарори тайёрланаётгани эътироф этилди.

Давлат дастури ижроси тўғрисида ҳисобот берилганидан сўнг партия фракцияларининг муносабати тингланди. Жумладан, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси номидан Наримон Умаров фракция позициясини билдириб ўтди.

— Мамлакатимиз Президентининг ташаббуси билан жорий йилдан бошлаб амалиётга татбиқ этилган Олий Мажлисга Ҳукумат томонидан давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботларни тизимли равишда тақдим этиб борилиши юртимизда олиб борилаётган ишловларнинг халқ томонидан назорат қилинишига хизмат қилади, — деди Н.Умаров. — Биз сайловчилар билан учрашувларимиз давомида гувоҳи бўлдикки, ушбу жараён — фуқаролар давлат дастурининг бажарилиши бўйича хабардор бўлиши билан бирга, халқнинг ўзи Ҳукумат фа-

олиятига баҳо бериш имкониятининг яратилганлиги билан аҳамиятлидир. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Вазирлар Маҳкамасининг Давлат дастурининг 2019 йил II чоррада бажарилиши юзасидан ҳисоботи фракциямиз томонидан Ҳукумат аъзолари билан биргаликда атрофлича муҳокамадан ўтказилди.

Шу билан бирга, фракциямизда Ҳукумат аъзолари билан биргаликда мамлакатнинг ҳар йиллик Инвестиция дастурларида ижтимоий соҳа объектларини (мактабгача таълим ва тиббиёт) муассасалари, умумтаълим мактабларини реконструкция қилиш, ичимлик суви тизими ва йўлларга таъмирлаш) режалаштириш жараёнида депутатлар ҳам фаол иштирок этиши бўйича таклиф билдирилди.

Янги мажлисда ҳисоботдан келиб чиқиб, депутатлар мутасадди вазирликлар раҳбарларига долзарб мавзуларда саволлар бериб, фикрлашиб олишди.

Шухрат ЯКУБОВ, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси: — Давлат дастурининг 102-банди билан 2030 йилгача Урбанизацияни ривожлантириш Концепцияси

лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш киритиш белгиланган. Умуман, урбанизация дастурининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқсак, бу, авваламбор, аҳолининг ҳақиқий демографик ҳолати, муҳандислик ва йўл инфратузилмаси, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим ва иختисослаштирилган мактаблар, университетлар, клиникалар, шифохоналар каби ижтимоий, маданий ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини аҳоли талабларига мувофиқ тарзда шакллантиришдан иборат.

Маълумки, кенг кўламли ободонлаштириш ишлари, реновация ва бошқа давлат дастурларининг ортиқ нукталаридан бири — бу молиялаштириш. Айнан шу масалани узил-кесил ҳал қилмасдан туриб давлат дастурини бажаришга кириштириш уларнинг ижросини таъминлашда, хабарингиз бор, жамоатчилик ва аҳолининг эътироз ва резонансларга сабаб бўлмоқда.

Урбанизация дастури шакллантиришда худудларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳоли қай даражада чуқур ўрганилган? Хужжати ишлаб чиқишда ривожланиш даражаси бўлган давлатларнинг бу борадаги тажрибаси ҳамда етакчи хорижий экспертларнинг фикрлари инобатга олинганми? Концепцияни амалга оширишда молиялаштириш манбалари аниқ белгиланганми?

Ушбу саволга Иқтисодиёт ва саноат вазири ўринбосари Жасур АРИПОВ қуйидагича жавоб берди: — Дарҳақиқат, урбанизация жараёни — бу комплекс масала.

Президентимизнинг 5623-сонли фармонида асосан, республикамиз аҳоли худудларини ижтимоий-иқтисодий потенциални ўрганиш бўйича топшириқ берилган. Бугунги кунда республикамизда 119 та шахар, 1071 та шахар посёлкалари ва 11 мингдан ортиқ қишлоқлар мавжуд. Ҳақиқатдан ҳам тўғри таъкидлагиниз, урбанизация масаласида муаммоларимиз кўп.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш учун ҳам хатлов ўтказилмоқда. 2030 йилгача Урбанизацияни ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш мuddати жорий йил 15 сентябрга қадар узайтирилган.

Шу билан бирга, 22 июлда концепция лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритдик. Мазкур Концепцияни ишлаб чиқишда Япония, Корея, Европа Иттифоқи, шу билан бирга, чет эл экспертлари ҳам жалб қилинди. Масалан, Осие тараққиёт банки техник кўмағида нуфузли эксперт Концепция бўйича иш олиб бормоқда.

Концепциямизни молиялаштириш манбалари этиб, халқаро молия институтлари, давлат-хусусий шериклик йўналиши бўйича тўғри инвестициялар, ҳар йилги тасдиқланаётган Давлат дастуридаги ижтимоий соҳага мўлжалланган бюджет маблағлари белгиланган.

Йиғилишда муҳокамалардан сўнг ҳисобот юзасидан Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон «Адолат» СДП Матбуот хизмати



Давлат дастурининг ижроси қониқарлими? ДЕПУТАТЛАР ЭЪТИРОЗ БИЛДИРДИ

Давоми. Бошланғич 1-бетда

Муҳокама жараёнида депутатлар яна бир муҳим масалага эътибор қаратди. Жумладан, ўтган йилларда депутат сўровлари баъзи вазирликлар томонидан эътиборсиз қараш ҳолатлари учраб турар эди. Ҳуқуматнинг 1-чорадаги ҳисоботи юзасидан билдирилган эътирозлар натижасида парламент ва депутат сўровларига вазирлик ва идораларнинг биринчи раҳбарлари томонидан ўз вақтида пухта ишланган ҳолда жавоб бериш бўйича тизим жорий этилди. Хусусан, ҳар бир депутатнинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари ҳузурда масъул раҳбарлар иштирокида сўровлар ҳамда унга берилган жавоблар атрофида муҳокама этилиши йўлга қўйилди. Бу эса, аввало, ҳудудлар ривож ва фуқаролар манфаатига хизмат қилмоқда.

Йиғилишда фракция аъзолари Давлат дастурининг ижросини бандиранд муҳокама қилдилар. 2019 йилнинг биринчи ярмида Давлат дастурининг 139 та банди ижроси таъминланиши режалаштирилган бўлиб, ҳисобот даврида улардан 106 тасининг ижроси тўлиқ бажарилиб, бунда жами 93 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган. Таъкидланганидек, ижроси якунига етказилмаган 23 та банд бўйича киритилган ҳужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилмоқда ҳамда 10 та вазифанинг муддати белгиланган тартибда узайтирилган.

Депутатлар, аввало, ижроси таъминланмаган бандларга эътибор қаратди. Хусусан, ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича ҳужжат лойиҳалари ўз муддатида лозим даражада ишлаб чиқилмагани қайд этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача урбанизацияни ривожлантириш концепцияси ҳам ўз вақтида ишлаб чиқилмагани танқид қилинди.

“Адолат” СДП масъул ҳисобланган асосий йўналишлар — соғлиқни сақлаш ва таълим соҳалари ҳам фракция аъзоларининг диққат марказида бўлди. Хусусан, давлат дастурининг 152-153, 155-бандларида белгиланган аҳолига кўрсатилаётган онкологик тиббий хизмат сифатини ошириш ва профилактик тадбирлар қамровини кенгайтириш, дав-

лат тиббиёт муассасаларини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, санитария-эпидемиология хизматини янада такомиллаштиришга қаратилган қўшимча чоралар кўриш бўйича вазифалар ижроси таъминланмагани ҳам танқид остига олинди. Бугунги кунда фуқароларимизни қийнаётган ушбу масалаларга ижобий ечим топиш ва бу борада белгиланган вазифаларни ўз вақтида бажариш зарур.

Йиғилишда касблар ва мутахассисликларнинг мураккаблик даражасидан келиб чиқиб, таълим дастурлари муддатини белгиланган ҳолда касбий таълимни ташкил этиш ва мақсадли кадрлар тайёрлаш тизимини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда эркин иқтисодий зоналар қамрови кенгайиб бориши ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшади. Лекин уларнинг фаолиятини тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш кечикмоқда. Эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналар бўйича қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни жаддаллаштириш зарур.

Фракция аъзолари томонидан яна бир долзарб масала — маҳаллий ҳокимликларнинг иштирокида қолаётган маблағларнинг қанчалик самарали ишлатилаётганини назорат қилиш механизминини ишлаб чиқиш лозимлиги қайд этилди. Бунда, айниқса, жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш муҳим ҳисобланади. Шу орқали ҳудудларда маблағларнинг мақсадли сарфлаши тизими яратилиб, ҳудудларнинг иқтисодий барқарорлиги таъминланишига эришилади.

Йиғилиш якунида Вазирлар Маҳкамасининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2019 йилнинг биринчи ярми даврида бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи фракция томонидан маъқулланди.

Анвар ЭГАМҚУЛОВ, журналист

Самарқандга ҳар соҳада муносиблик, ибрат ва ташаббускорлик ярашади

МУНОСАБАТ

Президентимизнинг Самарқандга ташрифи чоғидаги самимий мулоқотлар вилоят фаоллари, тадбиркорлари, зиёлилари ва кенг жамоатчилик заммасига янги масъулият юкламоқда.

Сир эмас, авваллари давлат раҳбарларининг ислохотлар жараёни билан танишиш учун мамлакатнинг муайян ҳудудига ташрифидан сўнг жамоатчилик ўша ҳудудда навбатдан ташқари сессия ўтказилганлиги, ислохотлар жараёни талабларидан келиб чиққан ҳолда жиддий муҳокама-лар бўлиб ўтгани ва юқори лавозимдаги тўрт-беш нафар мансабдор шахсларнинг ўз вазифасидан четлатилганлигидан хабар топиш билан ки-фояланарди. Аммо халқ турмушидаги номуносибликни, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни қай тартибда ҳал этиш, камчиликлардан қутулиш учун буюноқ ишни ни-мадан бошлаш керак, эртага қандай ҳаракат қилиш лозимлиги кўпчилик-ни ўйлантириб қоларларди. Энди эса мамлакат раҳбарининг вилоятларга ташрифидан қутулган мақсад-мудда-ларнинг мундарижаси, мазмун-мо-ҳияти тубдан ўзгариб, соф амалий, конструктив аҳамият касб этмоқда. Президентимизнинг Сирдарё вилоя-тига, хусусан, унинг тараққиётдан ор-тда қолган Ҳовос шаҳарчасига таш-рифидан сўнг бу ерда қисқа вақтда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, халқнинг кайфиятидаги жўшқинлик, жамиятга ва ўз-ўзига ишонч кучайганлиги шундан далолат беради.

Бугун юртига меҳр қўйган халқнинг, айниқса, эҳтижманд фуқароларнинг муаммолар гирдобиди ўралашиб қол-май, олислардан иш изламай, ўз оиласини, фарзандларини зориктир-май боқиб-тарбиялаши, фуқароларга иш берувчи корхона-ташқиотларнинг бир нуктада депсинмай, янада кенг қанот ёзиб, ғайрат билан ишлаши, кўпроқ фойда олиши, ўз махсулотлар-ию хизматларини жаҳон бозорига тақдим этиши, давлат бошқарув идо-раларининг эл-улус билан ҳамфикр-лигини таъминлашнинг аниқ йўллари кўрсатилмоқда. Бошқарув бўғинида-ги ҳар бир раҳбардан вазифага яра-ша масъулият, жавобгарлик, ихро ин-тизомини талаб қилинмоқда.

Президентимизнинг Самарқандга бу галги ташрифи худди ана шу мақ-садларни рўйбга чиқаришга қаратил-ганлиги билан вилоят фаолларининг, минг-миглаб тадбиркор, фермерлар-нинг, яхши яшаш истагидаги оила-ларнинг дилидаги мундоқ бўлди де-сак, янглишмаймиз.


Давлатимиз раҳбари Самарқанд-нинг жаҳонро обрўсини янада оши-риш, уни халқаро туризм чорраҳаси-даги энг жозибадор масканга айлан-тириш орқали иқтисодиётга янги-ча куч-жўшқинлик бағишлаш, она зами-нимизда этиштирилаётган махсулот-ларни қайта ишлаш, экспортпопли-гини таъминлаш орқали даромад сал-моғини ошириш, тадбиркорликни, ки-чи ва ўрта бизнесни кескин ривож-лантириш, қурилиш-ободончиликлар қўламини кенгайтиришнинг аниқ ре-жаларини баён этди.

— Сизлар билан йил бошида учра-шиб, вилоятда амалга оширилаётган лойиҳалар, бунёдкорлик ишлари, умум-ан, халқимиз ҳаётини, турмуш дара-жасини ошириш юзасидан улкан вазифаларни белгилаб олган эдик, — деди давлатимиз раҳбари учрашув чоғида. — Ўтган олти ой давомида бу вазифалар нечоғли бажарилгани барчамизга яхши маълум. Икки-бўй на-тижалар ҳам, ечимини кутаётган ма-салалар ҳам салмоқли. Бугун Самар-қандга келиб, яна сизлар билан фикр-лашиб олиш, белгиланган режалар-имизни ўз вақтида ҳаётга татбиқ эти-шни шиддаткор даврининг ўзи тақозо этмоқда. Негаки, замон шунчалик тез ривожланиптики, бу борада яқин ва узок ҳоризий давлатлар, ҳамкор мам-лакатлар иқтисодиётини таҳлил этиб, ўзимизнинг йўлимизни танламасак, глобаллашув жараёнида жонхон-да ўрнимизга эга бўлмасак, олдимиз-га қўйилган мақсадларни амалга оши-риш қийин кечади.

Давлатимиз раҳбари иқтисодиёт-

ни мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишда туризм устувор соҳа бўли-ши зарурлигини таъкидлаб, сайёҳлик инфратузилмасини такомиллашти-ришга 100 миллион доллар ажрати-лиши маълум қилинганини вилоят фа-оллари, ҳар бир самарқандлик мам-нуният билан кутиб олди. Бундан таш-қари, мева-сабзавотчиликни ривож-лантиришга 400 миллион доллар аж-ратилишини Самарқанднинг аграр им-кониятларини билган ҳар бир фер-мер чуқур қониқиш билан эътироф этди.

Президентимиз 1 минг 360 гектар майдонда деҳқончилик қилаётган, пах-та, галла ва озқабоб экинлар этиш-тираётган Оқдарё туманидаги Воҳид-жон Турдиев раҳбарлигидаги “Pure Milk Oqdaryo” фермер хўжалигининг юқори самарадорликка эришаётгани-



Воҳиджон Турдиев раҳбарлигидаги “Pure Milk Oqdaryo” фермер хўжалигининг юқори самарадорликка эришаётганини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишда туризм устувор соҳа бўлиши зарурлигини таъкидлаб, сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштиришга 100 миллион доллар ажратилиши маълум қилинганини вилоят фаоллари, ҳар бир самарқандлик мамнуният билан кутиб олди.

ни тажриба сифатида кўрсатди. Ғўза майдонларида тўлиқ томчилатиб су-ғоришни йўлга қўйган фермер ҳар бир масалада ҳисоб-китоб, тежамкорлик билан иш юритиб, юқори даромад олмақда. Бундай изланувчан, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ви-лоят аграр соҳасини тараққий этти-ришнинг ишончли қафолати сифати-да ҳар бир туманда, қишлоқда иш олиб бориши одамлар турмушига фар-овонлик, янги-ча мазмун, кут-барока олиб киради.

Мамлакатимиз раҳбарининг Самар-қандга ташрифи ва бу жараёнда бўлиб ўтган мулоқотлардан олган та-ассуротларни “Зарафшон” ва “Самар-қандский вестник” газеталари тахри-рияти бош муҳаррири, халқ депутат-лари вилоят Кенгаши депутати Фар-мон Тошев шундай изоҳлайди:

— Президентимиз, энг аввало, ин-вестицион муҳит яратиш, нуктаи на-зарни ана шу муҳит талабларига мос-лаштириш вазифасини қўйди. Яъни ҳар бир раҳбар инвестор топиш, топ-ганда ҳам ўз бозорига эга инвестор топиш маҳоратини ўзлаштирсин.

Тадбиркорга, хорижий сармоядор-га фаровонлик бунёдкори сифатида қарашни ўрганиш энг оғир масала бўлиб қолмоқда, деди давлатимиз раҳбари. Тадбиркор билан дилдан суҳбатлаша олмайдиган, унинг қон-уний талабларини бажармайдиган раҳ-бар бугун узоқ ишлай олмайдди. Ва-ҳоланки, пахта этиштириш кластер усулига ўтаётган, ҳатто галла майдон-лари ҳам қисқартирилаётган бир пайтда ҳокимлар бу соҳа ташвишлар-идан ортган вақтини маҳаллий хома-шадан қайта ишлайдиган, яъни қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) ярата-диган корхоналар очиги сарфлаши лозим.

Давлатимиз раҳбари бу ишнинг ме-ханазимини ҳам белгилаб берди. Жум-ладан, ҳар бир сектор раҳбари ўз ҳудудда тадбиркорлар сафини икки баравар ошириш режасини тўзсин. Мисол учун, Каттакўрғон туманида агар ҳозирда 1200 нафар тадбиркор-лик субъекти фаолият кўрсатаётган бўлса, йил охиригача улар сони уч мингга етказилиши лозим. Агар ҳар бир туманда ҳокимлик, банк, молия ва назорат идораларида 300 дан ортик масъул ходим борлигини ино-батта олсак, уларнинг ҳар бири йил охиригача икки нафардан фуқарога тадбиркорлик йўлга қўйишга ёрдам берса, бандлик ва бюджетни тўлди-риш муаммосига ўрин қолмайди.

Юртбошимиз ислохотлар қўлами-

ни кенгайтириш, унинг самарадорли-гини таъминлашда давлат органлари жамоат, нодавлат ташқиотлар, кенг жамоатчилик кучидан оқилона фой-даланиши зарурлигини таъкидлади. Хусусан, муаммоларни жойида бево-сита маҳалла ва ҳонадонларда ўрга-ниш ва ечимига биргаликда киришиш камчиликларни бартараф этиш баро-бариди фуқаролар ижтимоий фаол-лигини ҳам таъминлайди. Раҳбарлар-нинг жойларда, телевидение ва ра-диога, босма нашрларда ўтказиладиган очиқ мулоқотлари халқнинг улар фаолиятига баҳо бериш имконияти-ни яратади. Айниқса, маҳаллий Кен-гаш депутатлари ўз сайловчилари билан учрашув, суҳбатларни қўлайти-риб, уларни қийнаётган муаммолар-ни давлат органлари олдида кўнда-ланг қўя олишлари лозим.

Раҳбарнинг янги-ча, замонавий фаолияти деган тушунчага давлат раҳбари лўнда изоҳ берди. Ҳар бир раҳбар ўз ҳудудда қайта ишланувчи хомашлар ҳақида тасаввур ва маъ-лулотга эга бўлиши, қайси экин кўпроқ даромад бериши, икки-уч йил-дан кейин қайси соҳага эҳтиёж ку-

чайиши ҳақида пухта таҳлилга эга бўлиши шарт. Ва ҳозирданок ишби-лармонларни ўша йўналишга жалб этиши керак.

Яна бир муҳим нарса. Президент бошқарув органларида ҳам рақобат муҳитини яратиш зарурлигини таъ-кидлади. Яъни бу ишни секторлар фа-олиятини ўрганиб, мониторинг қилиб, унинг натижаларини оммага етказиш орқали йўлга қўйиш мумкин.

— Самарқандни ривожлантириш учун тақдим этилган ва ижроси шах-сан давлатимиз раҳбари томонидан назорат қилинаётган лойиҳалар сал-моқли, — дейди шаҳардаги “Парвоз прокат сервис” МЧЖ раҳбари, “Адо-лат” СДП аъзоси Сулаймон Бокиев. — Хусусан, “Самарқанд” халқаро аэропортини ривожлантириш лойиҳа-сига биоан соатига 600 йўловчига хизмат кўрсатадиган янги терминал қуриш, учаш-қўниги йўлагини рекон-струкция қилиш, самолётлар турарго-зини кенгайтириш, радиолокация ти-зимларини такомиллаштириш белги-ланган. Бундан ташқари, Самарқанд туманидаги эшак эшиш канали ат-рофида умумий майдони 360 гектар-лик туристик марказ барпо этиш, унинг 80 гектаридида анжуманлар са-ройи, меҳмонхоналар ва бошқа ма-даный объектлар қурилиши режага киритилгани Самарқанднинг туристик салоҳиятини оширишда катта туртки бериши қутилмоқда. Натижада фақат жорий йилнинг ўзида Самарқандга ташриф бўлирадиган хорижий сайёҳ-лар сони 510 минг кишини, келгуси икки йилда эса 2 миллион кишини ташкил этиши мўлжалланмоқда. Фа-қат 2019-2020 йиллар давомида қий-мати 220 миллион АҚШ долларига тенг 164 та лойиҳа босқичма-босқич амалга оширилади. Демак, самар-қандликлар учун янги, даромадли, экологик тоза иш жойлари яратила-ди. Бу ташаббусни фақатгина қўллаб-қувватлаш, амалиётга татбиқ этишни тезлаштириш лозим, холос.

Галдаги суҳбатдошимиз “Самар-қанд АЛ” концерни раҳбари, “Адо-лат” СДП фаоли Жуманиёз Алибеков ўз фикр-мулоҳазаларини шундай ифо-далайди:

— Самарқанд ва самарқандликлар ҳаётига янгилашлар тобора чуқур-роқ кириб келмоқда. Президентимиз вилоятда кўп қаватли уй-жойлар қуриш, ичимлик суви ва оқова сув ти-зимини модернизация қилиш, Са-марқандни марказлашган иссиқлик энергияси билан таъминлашни яхши-лаш чоралари ҳақида сўз юритди.

Янги қурилаётган уйлари адолатли тақсимлаш масаласига алоҳида эъти-бор қаратди. Чунки ғамхўрликка, меҳрга муҳтож ҳеч бир оила эъти-бордан четда қолмаслиги зарур. Фу-қароларнинг давлатга ва жамиятга ишончини ислохотларнинг мустаҳкам қафолати, таъбир жоиз бўлса, ҳара-катга келтирувчи кучи деб биламан.

— Айни шу жойда раҳбарлик масъ-улияти, иқтидори ҳақида гапириш ўринлидир, — дейди “Нуроний” жам-гармаси вилоят бўлими раҳбари, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Ҳасан Нормуродов. — Юксак дид ва маънавият, маданият ва маърифат ислохотларнинг таянч нуқтаси бўл-моғи лозим. Лекин баъзан раҳбар фаолиятига баҳо беришда унинг ва-қолат доирасидаги ишлари билан ки-фояланиб қоламиз. Айтайлик, ўша раҳбар ҳаётини, одамлар турмушини теранроқ тушуниб олиш учун қачон, қайси китобни ўқиди, қайси театрга томошабин сифатида қадам қўйди ва олган таассуротлари нимадан иборат бўлганлиги ҳам муҳим жиҳат санала-ди. Аниқроғи, жавондаги китоб очил-май қолгани, театрдагилар куйиб-пи-шиб нима демоқчи бўлишганидан бе-хабарлик раҳбар билан икки оғиз суҳ-бат жараёнида билиниб қолади. Ахир китоб ўқимайдиган раҳбар халқнинг юрагини, орзу-армонини қаердан ту-шуниб етсин?! Шу боис айрим раҳ-барларни кўрганамизда масъулият ҳақида, унинг серкирра томонлари ҳақида такрор-такрор ўйга ботаман.

Эътибор беринг: Президентимиз ташрифидан сўнг бирйўла иккита тум-анда — Самарқанд ва Жомбой туман-ларида халқ депутатлари туман Кенгашларининг сессиялари бўлиб

ўтди. Афсуски, ҳар иккала сессияда ҳам туман ҳокимлари ва сектор раҳ-барлари йўл қўйилаётган камчилик-ларни бартараф этиш юзасидан аниқ чораларни кўрсатиб беролмадилар. Жомбой туманида тадбиркорни тан олмаган ҳоким, менинг секторимда аҳвол яхши, галладан бўшаган май-донларга такрорий экинлар экиш жой-ида, деб ишонтироқчи бўлган туман прокурори ва ички ишлар бошқарма-си бошлиғи ёлғон маълумотни қўлти-қлаб юргани маълум бўлди. Одамлар тақдирини шундай раҳбарларга ишо-ниб бўладими? Табиийки, ҳар иккала сессияда бошқарувга, сектор раҳбар-ларининг фаолиятига нисбатан тегиш-ли хулоса билдирилди. Аммо йўл қў-йилган масъулиятсизликнинг, кўзбўя-мачиликнинг, одамлар норозилигига сабаб бўлган бошқарувдаги салбий муносабатларнинг оқибатларини бу-ғуноқ бартараф этмасак, халқнинг ишончини йўқотамиз. Ахир Президенти-миз Самарқанд вилоятида галла экилаётган майдонларни 12,5 минг гектарга қисқартириш, худди шу май-донларда даромадли экинлар экиш, деҳқон оилаларининг кўпроқ манфа-ат топиши ҳақида кўрсатма берди. Буни амалга оширадиган туман раҳ-барларида халққа қайишиш, қатъият ва ҳозиржавоблик ҳам керак-да.

Хуллас, масъулият ва ҳозиржавоб-лик, ташаббус ва изланувчанлик, шашту шиддати банд замон қўяёт-ган вазифалар олдида уйғоқлик самар-қандлик ҳар бир кишини — раҳ-бар ва тадбиркордан, депутат ва зиё-лидан талаб этилаётган зарур фази-лат. Шундагина одамлар ишончига лойиқ бўлиш, уларнинг қундалик таш-виш-муаммоларини енгиллаштириш, ислохотларга соғлом муносабатни, та-шаббус ва ижодкорликни қарор то-птириш мумкин. Эотан, Президенти-мизнинг Самарқандга ташрифи чоғи-да айтилганидек, “барча саъй-ҳара-катларимиз, мақсад-муддаоимиз хал-қимизнинг бугунги ҳаётидан рози, эр-танги қундан кўнгли тўқ бўлишига қаратилган”.

Ҳақ гап! Халқ билан яшаб, унинг талаб-муддаосини баҳо келтириш, тадбиркорларнинг ўз йўлини топиб олишига қўмақлашиш, фуқароларнинг ҳар бир мурожаатига ҳозиржавоблик билан пешвоз чиқиш давлат идора-лари раҳбарларининг муқаддас бур-чидир.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, “Adolat” мухбири

Ўз сўзи, ўз позицияси бўлмаса,

Таълим масаласи Ўзбекистон "Адолат" СДПнинг Сайловолди дастурида аввал ҳам устувор ўрин эгаллаганди. Янги лойиҳада бу яхши анъана унутилмаган. Ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган мазкур йўналиш тўғрисида кўп фикрлар билдирилган. Айниқса, олий ўқув юрталарининг мустақиллиги, ОТМга қабул квоталарини босқич-ма-босқич ошириб бориш, масофавий таълимнинг замонавий шакллари жорий этиш каби қатор долзарб таклифлар ўз аксини топган. Булар чиндан-да, юқори малакали мутахассислар тайёрлашни кўпайтиришда муҳим роль ўйнайдиган масалалар сирасига киради.



Ойлархон ОХУНОВА,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Наманган шаҳар кенгаши
раиси

Сиртқи таълим: нега контракт тўлови миқдори юқори?

Сайловолди дастур лойиҳаси билан танишиб, унда таълимга оид бир қатор масалалар қамраб олинганлиги, лекин контракт тўловларининг миқдори ҳақида ҳеч нарса дейилмаганини кўрдим. Албатта, биринчи ўринда талабалар тўлайдиган маблағ миқдорининг қандай ҳисобланганлиги, бу жараён қайси методологияга асосланганини жамиятга маълум қилиб, очиклик ва шаффоқликни таъминлаш лозим.

Кундузги ва сиртқи таълим йўналишларида талабалар тўлайдиган контракт тўловлари миқдори бир хиллигидир. Масалан, Наманган давлат университетида ўқитувчиси Ёдгоржон Болтабоевнинг таъкидлашича, тарих йўналишида тахсил оладиган талабалар ўтган ўқув йилида 9,2 миллион сўмдан контракт пули тўлаганликларини айтди. Бу миқдор кундузги таълим учун ҳам, сиртқи таълим учун ҳам бир хил экан.

Энди контракт тўловини белгилаш учун қайси мезонлардан келиб чиқилиши мумкинлиги бўйича кичкина тадқиқот ўтказайлик. Албатта, биринчи навбатда, олий таълим муассасасининг ўқув биноларидан фойдаланиш (барча харажатларни, шу жумладан, коммунал хизматларни ҳисобга олган ҳолда), ўқитувчиларнинг меҳнатига (дарс ўтишдан тортиб-на-

зорат ишларини текшириш ва имтиҳон қабул қилиш каби жараёнларга) ҳақ тўлаш, ахборот-ресурс маркази хизматлари, ўқитишнинг техник воситалари, ахборот-коммуникация технологияларидан, ўқув юртининг бошқа иншоотларидан фойдаланиш сингари масалаларни қамраб олади, деб ўйлаймиз. Бошқа қандайдир ҳолатлар ҳам ҳисобга олиниши мумкин.

Демак, биз юқоридики келтирилган 9,2 миллион сўм мана шундай ҳисоб-китоблар натижасида шаклланган. Унинг ҳақиқатга мос ёки мос эмаслигини кўйиб турайлик (аслида буни ҳам мониторинг қилиш фойдасидан холи эмас), кундузги таълим шаклида ўқийдиган талаба

кўрсак, ойига ўртача 500 миң сўм олганда ҳам бир йилда 6 миллион сўм маблағ унга қайтади. Демак, ўқиш учун сарфлайдиган пули 3,2 миллион сўм атрофида бўлади.

Мутахассисларнинг айтишича, сиртдан ўқийдиганларга ўтиладиган дарслар ҳажми кундузгиларникига нисбатан учдан бир хиссани ташкил этмоқда. Бундан келиб чиқсак ва ижтимоий адолат нуқтаи назаридан фикр юритсак, контракт пулининг миқдори сиртқи таълимда бир миллион сўмдан бироз юқори бўлиши мумкинлигини аниқлаш мумкин. Бу ерда гап 3,2 миллион сўмнинг учдан бир қисми ҳақида кетмоқда. Амалда-чи? Орадаги фарқ қарийб тўққиз бараварни ташкил этмоқда. Савол туғилади: турли даражадаги депутатлар, сиёсатчилар, жамоат арбоблари, зиёлилар қаёққа қарамокдалар?

Олий ўқув юрталарида сиртқи таълимнинг қайта тикланганлиги соҳани ривожлантиришда катта ютуқ бўлди. Чунки ўз пайтида уни йўқ қилиш жиддий хато бўлган. Энди фақат контракт тўловлари миқдорини адолатли қайта кўриб чиқиш ва янада кўпроқ ёшларимиз олий маълумот эгаси бўлишлари учун йўл очиб бериш зарур. Бундан халқимиз ва жамият учун нақадар катта наф келишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Контракт тўловида доир бу долзарб масалани партиямиз ўз дастурига киритиши Адолат тантанаси учун хизмат қилади, албатта.

Ҳукуратимиз томонидан дори воситалари ва тиббий буюмлар ишлаб чиқарувчи (сотувчи) тадбиркорлик субъектларига катта имкониятлар яратилиб, имтиёзлар берилган. Аммо ушбу йўналишда иш олиб бораётган айрим тадбиркорлар мазкур имкониятлардан тўғри фойдаланиш ўрнига қонунчилик талабларини бузиб келишмоқда.



Жанона РАҲИМОВА,
Андижон туманидаги
ахборот технологиялари
ва сервис касб-ҳунар
коллежи директори,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
фаоли

Дори-дармонларнинг нархи ёзиб қўйилиши шарт



Хусусан, дори воситалари ҳамда тиббий буюмлари чакана савдоси билан шуғулланувчи аксарият дорихоналарда дори воситалари ҳамда тиббий буюмларига нархномалар ёзиб қўйилмапти.

Ўз навбатида, таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида"ги қонунининг 6-моддасида сотувчи истеъмолчига ўзи реализация қилаётган маҳсулотнинг баҳоси (нархи) шартли ёзиб қўйилиши белгилаб қўйилган.

Қайсидир дори воситаларига талаб юқори бўлиб, таклиф қамаганида "аптекачи"лар томонидан ўша дори воситалари нархи суъний равишда кўтарилиб кетиши ҳолатлари кузатишмоқда. Бу эса фуқароларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

Партияимизнинг Сайловолди дастурида дори воситалари савдосига доир бу қаби ҳолатлар ҳам назарда тутилиб, уларнинг баҳоси айнан шу дори идиши ёки қадоғига ёзиб қўйилиши назорат қилиниши ҳақида қайд этилиши зарур.

Партияимизнинг Сиёсий дастури ҳамда Сайловолди дастури лойиҳалари билан танишиб чиқдим. Иккала дастур лойиҳаларида ҳам умумий баён, назарий қарашлар етакчилик қилиб турибди. Аслида дастурларда аниқ вазифалар ва уларнинг амалга ошириш механизми оқич-ойдин белгилаб қўйилиши лозим.

Маҳаллий ҳокимият ваколатлари кенгайгани ЎЗИНИ ОҚЛАЯПТИМИ?

Мисол сифатида иккала лойиҳанинг ҳам тўлиқ матнини келтириб ўтсак бўлади. Белгиланган айрим вазифалар орасида эса ижтимоий ҳаётни тўлиғича қузатмасдан фикрлаш, электроратнинг манфаатларини назардан четда қолдириш ҳолатлари кўзга ташланади.

"Биз ҳокимиятнинг маҳаллий даражаси ваколатларини кучайтириш ва кенгайтириш — аҳолининг ҳаётий муҳим муаммоларини ечишда энг ишончли ва тўғри йўл, деб ҳисоблаймиз. Айнан шу даражада бевосита демократия принциплари тўлиқроқ амалга ошиши мумкин. Бизнинг мақсадимиз — ҳокимиятни жойларда фуқаролар учун қулай, шаффоф ва самарали, оддий инсонлар манфаатларини ҳимоя қиладиган ва маблағларни назоратсиз сарф қилишга йўл қўймайдиган даражага олиб чиқишдир. Маҳаллий



Тошпўлат МАТИБАЕВ,
халқ депутатлари Тошкент
шаҳар Кенгаши депутати

бериб келинмоқда. Шу ҳолатда партия "ҳокимиятнинг маҳаллий даражаси ваколатларини кучайтириш ва кенгайтириш — аҳолининг ҳаётий муҳим муаммоларини ечишда энг ишончли ва тўғри йўл", деган мазмундаги ўринлими? Ахир ҳар бир муҳим масалада сиёсий партиянинг ўз сўзи, аниқ позицияси бўлиши керак.

Хусусан, "туман, шаҳар, вилоят ҳокимларининг ваколатларини кенгайтирилиши ўзини оқламаган ҳолатлар ортиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, партия ҳокимиятнинг маҳаллий даражаси ваколатларини қисқартириш таклифини илгари суради, бу борада республика миқёсида аниқ вазифалар белгиланиши ва амалга оширишга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди", деган мазмундаги жумлалар партия дастуридан ўрин олиши Сайловолди дастурининг ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қилган бўлар эди.

Токи одамлар партиянинг дастури билан танишганида "барӣ куруқ гаплар, ҳаётдан йироқ" демасин, "тўғри ёзибди, энди партия ўз режаларини амалга оширсак, кўп муаммолар ўз ечимини топади", деб хайрихоҳ бўлишига эришсак, партиянинг халқ орасидаги обрўси янада ортади.

Лойиҳадаги чалкашликлар БАРТАРАФ ЭТИЛСА

Маълумки, қонун ҳужжатларини инвентаризациядан ўтказиш жараёнида битта норма икки ёки ундан ортиқ ҳужжатга ҳар хил қўлланилиши ҳолатлари аниқланади. Худди шу нуқтаи назардан партия ҳужжатларида ҳам аниқлик бўлиши, чалкашликлар ҳозирданок бартараф этилиши лозим, албатта.

Партиянинг янги дастурлари лойиҳаларида такрор жумлалар, чалкашликлар, яъни бирор талаб ҳар ўринда ҳар хил қўйилиши ҳолатлари кўзга ташланмоқда.

Хусусан, партия Сиёсий дастури лойиҳасининг "XXI аср — рақобатбардош иқтисодиётга эга адолатли Ўзбекистон" номли қисмида "Бюджет воситаларини ишга тушириш лозим — бюджет ресурсларини таълим, соғлиқни сақлаш, илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, ички истеъмолчилик талабини кенгайтириш, ижтимоий химоя қилишга қаратилган керак", деб аниқ белгилаб қўйишни таклиф этамиз. Ёки "бюджетнинг салмоқли қисмини аҳолининг эҳтиёжларига йўналтиришни таклиф этамиз", деган жумлаи шу жойда қайд этилса, вазифа ва мақсад аниқ бўлади.

Сиёсий дастур лойиҳасининг "XXI аср — рақобатбардош иқтисодиётга эга адолатли Ўзбекистон" номли қисмида яна "Банкларнинг узоқ муддатли ссудалар бериши ва иқтисодийнинг реал сектори ҳамкори сифатида фаолият кўрсатишини рағбатлантирувчи солиқ механизми ва қонунчиликни мукаммаллаштириш. Бунда давлатнинг тартибга солиш вазифаси бозор рақобатига қарши эмас, балки бозорнинг ижтимоий соҳа, аҳоли фаровонлигига салбий таъсирини камайтиришга қаратилган бўлиши лозим", дейилган. Бу бандда "рағбатлантирувчи солиқ механизми" жумласи билан "бозор-

олдинги мисолда ўз аксини топиши ўринли саналади. Шундан келиб чиқиб, "Бюджет воситаларини ишга тушириш лозим — бюджет ресурсларини таълим, соғлиқни сақлаш, илмий ва инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, ички истеъмолчилик талабини кенгайтириш, ижтимоий химоя қилишга қаратилган керак", деб аниқ белгилаб қўйишни таклиф этамиз. Ёки "бюджетнинг салмоқли қисмини аҳолининг эҳтиёжларига йўналтиришни таклиф этамиз", деган жумлаи шу жойда қайд этилса, вазифа ва мақсад аниқ бўлади.

Сиёсий дастур лойиҳасининг "XXI аср — рақобатбардош иқтисодиётга эга адолатли Ўзбекистон" номли қисмида яна "Банкларнинг узоқ муддатли ссудалар бериши ва иқтисодийнинг реал сектори ҳамкори сифатида фаолият кўрсатишини рағбатлантирувчи солиқ механизми ва қонунчиликни мукаммаллаштириш. Бунда давлатнинг тартибга солиш вазифаси бозор рақобатига қарши эмас, балки бозорнинг ижтимоий соҳа, аҳоли фаровонлигига салбий таъсирини камайтиришга қаратилган бўлиши лозим", дейилган. Бу бандда "рағбатлантирувчи солиқ механизми" жумласи билан "бозор-



Бўри МАҲМАТМУРДОВ,
халқ депутатлари Термиз
шаҳар Кенгаши депутати

нинг ижтимоий соҳа, аҳоли фаровонлигига салбий таъсирини камайтиришга қаратилган бўлиши" жумласи амалиётда бир-бирига қанчалик мос келиши мумкин? Бу банддаги иккинчи гап аслида биринчи гап мазмунига эътироз уйғонишининг олдини олиш учун шунчаки келтириб ўтилган эмасми? Бу ерда ҳам чалкашлик борлиги кўришиб турибди.

Сиёсий дастур лойиҳаси шу каби муҳим жумлалар, мазмунан ортиқча такрорлар ҳисобига ҳажм жиҳатидан катта бўлиб қолган. Лойиҳа матнини сезиларли равишда ихчамлаштиришга, бир неча ўринларни қисқартиришга жиддий эҳтиёж бор.

Дунёга таниқли бир файлсуф "Қонунларни шундай тушунарли ёзиш керакки, токи одамлар уни тушунтириб бериши сўрасин", деган экан. Тушунтириш, сўраш зарурати эса тегишли қондан шарҳловчи ўзи исталган мазмунда талқин қилиш имконини пайдо қилади. Партия ҳужжатлари матнида ҳам кейинчалик ана шундай тушунтириш, сўрашларга ҳожат бўлмаслиги, ундаги вазифа, ғоя-мақсадларни ҳар хил талқин қилишга имкон қолдирмаслик керак.

Агрономсиз юқори ҳосил олиб бўладими?

Аҳолининг томорқадан унумли фойдаланиши оила иқтисоди учун муҳим саналади. Аммо экин экиш ва уни парваришлаш борасида ҳамма ҳам бирдек билим ва тажрибага эга эмаслиги аён. Бизнингча, Сайловолди дастурида қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг томорқа ҳўжалиги бўйича бирдек билимга эга бўлишини таъминлаш масаласи ҳам ўрин олиши лозим. Ҳўш, бу мақсадга қандай эришилади?



Ривож ОТАРБАЕВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Қорақалпоғистон
Республикаси кенгаши раиси
ўринбосари




Ушбу масъулиятли вазифани ҳар бир овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ҳосилот (агроном) штатларини жорий этиш орқали амалга ошириш мумкин.

Бунда, аввало, аҳолига деҳқончилик ва боғдорчилик бўйича бепул маслаҳатлар бериш орқали сифатли қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, хонадонларда фуқароларнинг томорқадан самарали фойдаланишига қўмаклашиши мумкин. Иккинчидан, аграр соҳада ОТМ битирувчиларини иш билан таъминлаш имкони ортади.

Агар ҳар бир маҳалланинг ўз ҳосилоти бўлса, улар деҳқончилик ва боғдорчилик бўйича томорқа эгаларига зарур маслаҳатлар бериб, тарғибот ишларини олиб борадилар. Хонадонма-хонадон юриб, турли экинлар, мевали ва манзарали дарахтлар, гул экиш, парваришлаш, ўсимликларнинг зараркундаларига қарши курашиш борасида ўз тавсияларини беришади.

Буларнинг барчаси аҳолининг турмуш фаровонлиги ортиши, бозорларимиз тўқинлигига, шу билан бирга, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари экспорти қўламининг ошишига ҳам хизмат қилади.



органларнинг давлат ва жамиятни барқарор ривожлантиришни таъминлаш, иш ўринларини ташкил этиш, ёшларнинг, айниқса, қишлоқ шароитидаги бандлиги муаммоларини ҳал қилишда асосий ўринни эгаллашига шубҳа қилмаймиз", дейилган.

Маълумки, парламентдаги ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларидаги партия депутатларининг худудларда ўтказган ўрганишлари, очик мулоқотларида корхона ёки ташкилот, маҳалла, туман, нари борса, вилоят миқёсида ҳал этиладиган қанчадан-қанча муаммолар аниқланганлиги ҳақида оммавий ахборот воситаларида маълумотлар

Халқ партияга эргашмайди

Ахборот технологиялари юксак тараққий этиб, аҳолиси интернетдан фаол фойдаланаётган давлатларда ҳам миллионлаб нусхада газета-журналлар чоп этилаётганини кўпчилик яхши билади. Бу эса ўша давлатларда босма оммавий ахборот воситалари тараққий учун хизмат қилиб келаётганлиги, уларнинг ривожланган давлатлар деб эътироф этилишида ҳисса қўшаётганини англатади. Босма ОАВ ҳукуматлар томонидан қўллаб-қувватланиб, жамиятда матбуот нашрларига эҳтиёж камаймаётгани ҳам шундан далолат беради.

Ҳар бир хонадонга газета кириб борсин

ОАВда газета, обуна мавзуларида кўплаб чиқишлар бўлди, уларда фикр ва таклифлар, танқидий қарашлар ўз аксини топди. Лекин... Танқидий адабимиз иборасига ўхшатиб айтганда, ҳамон газета тахририятлари муаммоларини ҳал этишдан дарак йўқ.

Бунга, хусусан, партия нашрларини варақлаб, неча нусхада чиқаётганини кўриб ҳам амин бўласиз. Афсуски, уларнинг адади юқорида келтирилган миллион рақамининг урвоғича ҳам чиқмайди. Ҳеч қурса, шу рақамнинг 100 дан бир қисмичалик келмайди, яъни 10 минг нусха ҳам эмас, 3-6 минг атрофида.

Матбуот нашрларида ҳукумат, барча даражадаги ҳокимиятлар, давлат ва жамоат ташкилотларидан тортиб, оддий инсонларнинг овози давр ҳамда тарих саҳифаларига муҳрланади. Қўл билан варақлаб ўқила-

диган китобга ҳар доим эҳтиёж бўлганидек, газеталарга ҳам ижтимоий зарурат сўнмайди. Жумладан, сиёсий партияларнинг энг муҳим даврий ва тарихий минбари, қиёфаси, узок йиллар янграб турадиган сўзи



унинг газетасидир!

Танганинг икки томони бор, деганларидек, албатта, ўз навбатида, матбуот нашрлари ҳам талабга жавоб бериши, жамо-

атчилик фикрини шакллантиришга хизмат қилиши лозим.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий дастури лойиҳасида "Биз ОАВ фаолиятининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш бўйича узок ва қисқа муддатли дастурларни амалга ошириш, ахборот бозори иш-тирокчиларининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, оммавий ахборот воситалари моддий-техник базасини янги-

лаш ва технологик замонавийлаштириш, журналист касбининг мавқеини кўтариш, соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш



Зоҳир ТўРАҚУЛОВ, журналист

бўйича чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз", дейилган. Ушбу гап мазмунидан, айниқса, "...бўйича чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаймиз", деган жумладан англашиладики, бу борада партия ўз олдига аниқ вазифа қўймапти. Яъни ҳукумат томонидан кўриладиган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлаш билангина чекланиш, холос. Матбуот ва матбуотчилар олдидики ўткир ижтимоий муаммони ҳал этишда шахсий ташаббускорлик кўрсатмапти. Партиявий-сиёсий талабчанликни ишга солган ҳолда ташаббус кўрсатиб, ҳукумат ва парламент доирасида аниқ қарор ва дастурлар қабул қилинишига зарурат йўқ, деб ҳисоблаганга ўхшайди.

Партияимизнинг Сайловолди дастури лойиҳасида эса "Биз ошкоралик — фуқаролик жамиятининг асосий шартидир" принципига суянган ҳолда, иж-

тимоий ва парламент назоратини таъминлашда маҳаллий ОАВларнинг ролини мустаҳкамлаш, уларнинг рақобатбардошлигини глобал ахборот маконига кучайтириш тарафдоримиз", деб қайд этиш билан кифояланган, холос. Бу ўринда қуруқ гап эмас, амалий таклифлар, аниқ ишлаб чиқилган режалар керак. Акс ҳолда босма ОАВлар тақдири нима бўлиши номаълумлигича қолиб кетаверади.

Мақсадимиз, босма ОАВлар ҳар бир хонадонга кириб бориши керак!

Алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, бу ўринда гап фақатгина партия нашрлари ҳақида бораётгани йўқ, албатта. Босма ОАВлар кўплаб нусхаларда чиқиши ва хонадонларга етиб бориши аниқ ишларни амалга ошириши тақозо этади. Токи, ҳеч бир хонадон китобсиз, газета-журналсиз қолмасин. Буни зиёлилар чуқур анлагани каби ривожланган давлатлар қаторидан жой олишимиз тарафдори бўлган турли соҳалар, маҳаллий ҳокимият органларининг раҳбар ходимлари ҳам шундай тушунмоғи керак.

Шу мақсадда партияимиз янги Сайловолди дастурида босма ОАВлар фаолиятини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир алоҳида дастур лойиҳасини ишлаб чиқиш ва ҳукуматга тақдим этиш, бунда маҳаллий бюджетлардан ажратилган маблағлар эвазига ҳар бир хонадон бирон-бир газета-журналга обуна қилинишига эришиш вазифасини аниқ белгилаб олиши лозим.

Бугун ижтимоий тармоқларда бир хил рекламага дуч келасиз: "Ёшлар, фалон давлатга бориб, имтиҳонсиз ўқишга кириш..." Бу тарғибот камдек вилоятларда уйма-уй юриб, ёшларни чет эллардаги олий ўқув юр்தларига ўқишга таклиф қилаётган, талаба бўлишига кафолат бераётган "ишбилармон"лар ҳам урчиб кетди. Албатта, бўлгуси талаба пулини тўласа бас экан. Долларларда, нақд...



Ҳожиакбар МУҲАММАДИЕВ, Жиззах шаҳар "Учариқ" МФЙдаги БПТ раиси

Долларга келган диплом сариқ чақага арзимаса...

Балки бу бир қараганда жозибадор таклиф бўлиб туялар. Ахир хорижда ўқиш яхши-ку.

Бирок, масаланинг моҳиятига қарасак, бу ерда алдов юз бераётганига ишонч ҳосил қиламиз. Бу масалани имкон даражасида ўрганиб чиқдим. Маълум бўлишича, кўшни республикаларда таълим олаётган фарзандларимиз олий ўқув юртида 3 йил контракт пули тўлаб ўқишар экан. Ваҳоланки, Ўзбекистонда бакалаврият тизими 4 йиллик эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз-ку. Демак, хорижда 3 йил ўқиб қайтганларнинг дипломи юртимизда нострификация қилинмайди, бошқача айтганда, кераксиз бир парча қоғозга айланади.

Яна бир масала: роса тарғиб-ташвиқ қилинаётган масофадан таълим бериш тизими ҳақида ҳам худди шундай фикрни айтиш мумкин.

Эссиз, ёшларимизнинг ҳавога совурилган шунча вақти, эссиз шунча пул...

Нима, сиз ўйлайсизки, бу ишнинг бошида турганлар масаланинг бу жиҳатидан бебабарми? Асло йўқ! Улар буни жуда яхши билишади. Аммо ўртада катта пул бор. Ўзингиз қисоблаб кўринг. Яқинда тасодифан эшитиб қолдим, кўшни республикадаги шундай олий таълим муассасасидаги битта факультетда вилоятларимизнинг бирдан 700 нафар талаба

Аёл — оилавий ҳаёт иморатининг асосий устунларидан бири. Хотин-қизларнинг соғлигини асраб-авайлаш оилани мустаҳкамлашга, фарзандларимизнинг соғлом ўсишига хизмат қилади. Бу эса турли касалликлар профилактикасини талаб даражасида ташкил этиш билан боғлиқ жараён саналади.

БИОЛОГИК ФАОЛ ҚЎШИМЧАЛАР ЮРТИМИЗДА ҲАМ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИМИ?

Кўпчиликка маълумки, ҳозирги кунда аёллар ўртасида кўкрак ва бачадон бўйни саратони касаллиги кўп учраяпти. Табиийки, касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал. Айниқса, бу фикрни саратон касаллигига нисбатан айтганда унинг нечоғлиқ аҳамиятга эгалигини изоҳлашга ҳолат йўқ.



Дилдора ИСКАНДАРОВА, Ўзбекистон "Адолат" СДП Урганч туман кенгаши раиси

Шуларни назарда тутиб, партияимизнинг янги Сайловолди дастурида маҳаллий хом-ашёлар асосида саратон касаллигининг олдини олувчи биологик фаол қўшимчалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича аниқ вазифалар белгиланиши ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Чунки чет элда ишлаб чиқарилган биологик фаол қўшимчалар импорт маҳсулот сифатида дорихоналарда қиммат нархларда (бир флакони 250-400 минг сўм атрофида) сотилмоқда. Доривор ўсимликларга бой юртимизда бу турдаги биологик фаол қўшимчалар ўз қорхоналаримизда сифатли, ҳамёнбоп қилиб ишлаб чиқарилса бўлади-ку. Бу эса нафақат аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, балки янги иш ўринлари яратиш, ҳудуднинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришга ҳам хизмат қилади.

«Параллел мактаб тизими»

БУ ҲОЛ ҚАЧОНГАЧА ДАВОМ ЭТАДИ?

Бир ҳамкасбим деди: — Ўғлимнинг юқори синфда ўқиётганини эшитган танишим яхши репетиторлар борлигини айтиб қолди. Сабабини сўрасам, ишонч билан шундай изоҳ берди: "Репетиторга қатнамаса, ўғлинг ўқишга киролмайди..."

Ахир бизлар мактабда ўқиган эдик, у пайтлар репетитор деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Шунга қарамай синфдошларимизнинг деярли ҳаммаси институтларга ўқишга киришди, олий маълумотли бўлишди, улар орасида номзодлик, докторлик ишини ҳимоя қилганлар ҳам бор. Энди бўлса кўпчилик репетиторликни абитуриентни институт аудиториясига олиб бориб қўядиган ягона восита деб билади.

Аслида бундай бўлиши керак эмас-ку. Тест синовлари ҳам мактаб таълими дастури асосида тузилади. Демак, ўқувчида қўшимча билим олиш учун ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Аксинча, шу пайтгача жуда кўпчилик репетиторлар болаларга тест жавобларини кўр-кўрона ёдлатавериш, уларни фикрлашдан, ижодий мулоҳазакорликдан бенасиб қилмоқда.

Бирок, биз барибир репетиторга маҳкам ёпишиб оламиз, уни халоскор деб биламиз. Ҳолбуки, замон ўзгарди. Энди мисол учун, қишлоқ ўқувчилари ойлаб далада юришмайди, уларнинг тўлиқ дарс ўқишлари кафолатланган. Ўқитувчилар ҳам мажбурий меҳнатга, жамоат ишларига жалб қилинмаяпти. Бундай эзгу ишларнинг ҳаммаси юрт раҳбарининг ташаббуси билан амалга оширилди. Ўқитувчиларнинг ойлик маошлари кескин оширилди. Шогирдлари халқаро танловларда иштирок этган устозлар алоҳида рағбатлантирилмоқда.

Шундай шароитда ҳам репетиторга суяниш уят эмасми? Энг қизиги, аксарият ҳолларда ўқув марказларида ёки хонадонларда айнан мактаб ўқитувчиларининг ўзлари репетиторлик қилишапти. Табиийки, бундай шароитда ўқитувчи кучи ва вақтини мактабга эмас, кўл остида пул тўлаб ўқиётган болаларга сарфлайди.

Ўзбекистон "Адолат" СДП таълим тизимининг янада ривожланиши учун ҳаракат қилиб келмоқда. Уйлайманки, бу жараёнда репетиторлик муаммоси кичик масала бўлиб қолмайди. Партия бу масалага жиддий эътибор қаратиши ва унинг ечимини топиши лозим. Ахир қачонгача ўқувчи билимини мактаб ўқитувчисидан эмас, репетитордан олади?

Кизик, ўқитувчи мактабда ўз фанидан яхши ўқитмасан-ю, репетитор сифатида ўқувчини ўқишга кирадиган даражада билимдон қила олсан! Мактабнинг ўзидаёқ олаётган



маошига яраша ёшларга таълим беришса бўлмайди, деган савол туғилади. Шу билан бирга, репетиторга бериб ўқитган боласи ўқишга киролмасан, пулига қуйиб қолаётган ота-оналар ҳам борлигини айтиш жоиз.

Халқ таълими вазирлиги мутасаддилари бу борада назорат ўрнатиб, мактабларда таълим сифатини тубдан кўтаришга эришса, давлат тасарруфидаги мактаблардан кўра ўқувчиларни яхши ўқитаётган, таъбир жоиз бўлса, "параллел мактаб тизими"га айланб улгурган репетиторлик хизматига асло ҳолат қолмасди. Катта ёшдагилар репетиторсиз ўқишга кирган экан, демак, бу имконсиз иш эмас.



Пиримқул ТОҶИДДИНОВ, Ховос темир йўл шифохонаси поликлиника бўлими мудири, шифокор-педиатр

Аслида бундай фикр-мулоҳазалар ОАВда бир неча бор кўтарилди. Аммо муаммога лозим даражада эътибор қаратилмаяпти. Шу боис ҳамон "параллел мактаб тизими" вақиллари — репетиторлар мактаб ёки лицейда ҳам, уйда ёки бирор ўқув марказида ҳам бир иш учун икки мартадан маош олишмоқда, дейиш мумкин. Бу ҳол қачонгача давом этади? Партияимиз бу борада назоратни кучайтириши, ўз дастурларида аниқ вазифалар белгилаши ва амалга ошириши керак, деб ҳисоблаймиз. Бундай ҳолатларнинг туб сабабларини аниқлаш вақти аллақачон келган.

Демоқчимизки, ҳар бир умумтаълим мактаби, академик лицей битирувчиларининг камида 50-60 фоизи ОТМларга ўқишга кира олишига кафолат бериши шарт — уларга ана шундай талаб қўйишга давлат ҳам, ота-оналар ҳам ҳақлидир, шундай эмасми?

Бугун мактабларда фан тўғрақлари номига ишламоқда, холос. Улар фаолиятини ҳам йўлга қўйиш керак.

Умуман олганда, мактаб — билим ўчоғи. "Адолат" партияси мана шу ҳақиқатни амалиётга татбиқ этиши ва бу жараёни ўз дастурида, албатта, акс эттириши лозим.

ўқир экан. Бу нима деган гап ахир?! Ёшлар иттифоқи, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари қаяқча қарашаяпти? Ахир бу алдовларнинг ҳаммаси кўз олдимида содир бўлаяпти.

Рекламалар кўча-қўйда, турли оммавий ахборот воситаларида давом этмоқда. Ҳақиқий ҳолатни кўра-била туриб, масъул давлат идоралари мутасаддилари ҳамон бирор чора кўрмайпти. Бир қўрсатувда мутахассис "Фуқаролардан шикоят келиб тушмаса, тadbirkorларнинг фаолияти уч йилгача текширилмайди", деди. Олий таълим даргоҳига кириши учун абитуриентлардан ҳужжат қабул қилишда воситачи бўлиш тadbirkorликмикан ўзи? Нега масаланинг бу жиҳатига ҳеч ким эътибор бермаяпти? Аслида бу муаммонинг ечимини оддий, яъни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг хорижий таълим даргоҳлари билан алоқалар масаласига масъул бошқармаси барча шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда бу ишни марказлашган тарзда олиб бориши, ушбу масаланинг тadbirkorликка умуман алоқаси бўлмаслиги лозим. Шундагина ёшлар фирибгарларнинг қўлига тушиб қолмайди, чунки жавобгарлик, масъулият вазирликнинг зиммасида бўлади. Бу эса табиий ҳолдир.

Бундай молиявий фирибгарликни реклама қилаётганлар "Пулини тўласа бас" қабилда иш юритишаяпти, шекилли. Ахир ўша алданган ва алданаётган талабаларнинг ота-оналари не-не умидлар билан, сўнгги пулларини тўллаб ўқишга юборгандир?! Эртага уларнинг аҳволи нима кечадир? Ота-она ўғли ёки қизини олий маълумотли бўлди, деб кучоқ очиб кутиб олсан-ю, доллар эвазига келган дипломнинг сариқ чақали аҳамияти бўлмасми?

Адолат бор жойда, қонун устувор жамиятда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояланган бўлади. Адолат — ҳар бир инсон учун. Айниқса, ўсиб келаётган ёшларимизни биз турли фирибгарликлардан, қонунбузарликлардан ҳимоя қилишимиз шарт. Шу сабабдан мен Ўзбекистон "Адолат" СДП Сиёсий ва Сайловолди дастурларида мана шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратилишини истайман. Токи, "Ўқитамиз, олий маълумот берамиз" деган ширин ваъдалар билан ёшларнинг бошини айлантираётган ташкилотлар ёки фуқаролар қонун доирда жавоб беришсин. Токи, ёшларни ҳимоя қилишга олд бундай ишни амалга оширишда партиянинг роли ва вазифаси дастурда қанчали белгилаб қўйилсин. Ана шундагина партиянинг "Инсон манфаатлари — олий қадрият" шiori амалиётга татбиқ этилган бўлади. Айни пайтда бундай саъй-ҳаракатлар партиянинг халқ орасидаги обрўсини ҳам оширади.

Кўш саҳифани "Adolat" муҳбири Дилором МАТКАРИМОВА тайёрлади.

Фирибгарлар ўз ҳамшаҳарларини 182 миллион сўмга чув туширди

ЖИНОЯТ ҲАҚИҚАТИ ВА АДОЛАТ

Маълумки, аини пайтда бутун дунё аҳолиси, жумладан, мамлакатимиз аҳолиси ҳам йил сайин кўпайиб бормоқда. Табиийки, бунинг натижасида ҳамюртларимизнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи ҳам тобора ортмоқда. Шунинг учун қай бир вилоят, туман ёки шаҳарни олманг, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича сектор раҳбарларига қилинаётган оғзаки ва ёзма мурожаатларнинг аксарияти айнан уй-жой масаласида бўлмоқда. Аммо...

Аммо юрдошларимизнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжи айрим фирибгарларга қўл келмоқда. Наманган шаҳрида яшовчи Мақсуд Акбаров ва Одилжон Мўминов (исм-шарифлари ўзгартрилган)лар ҳам шу мақсадда юрган ҳамшаҳарларини чув туширишди.

Гап шундаки, Мақсуд Акбаровнинг ўзи дастлаб шаҳарнинг Баландалик маҳалласида яшовчи Мансур Валиевни "нишон"га олди. Тергов ва суд жараёнида аниқланишича, М.Валиев 2017 йилнинг декабрь ойида Наманган шаҳрининг Бобур шохўчасида қурилатган кўп қаватли уйлардан хонадон сотиб олиш ниятида "Асака-банк"нинг Наманган филиалига мурожаат қилади. Бироқ банк ходимлари унга янги қурилатган уйлар ипотека кредити асосида фуқароларга бериб бўлинганини айтишади. Шу боис Мансуржон банкдан тарвузи қўлтигидан тушиб қайтади. Лекин банкдаги танишларидан буни эшитган Мақсуд отини қамчилади.


— Янги қурилатган уйлардан сотиб олмакчи экансиз. Банкдагилар сизга нотўғри айтишибди, ҳали сотилмаган хонадонлар бор. Керак бўлса, шундай уйлардан ўчтасини олиб беришим мумкин, — дейди у М.Валиевга кўнгириқ қилиб. — Аслида кредит икки юз ўн беш миллион сўм. Бир аёл кредитнинг бошланғич тўловини тўло-

маяпти. Ўшанинг уйини сизга олиб бераман. Олдиндан тўловини қилсангиз бўлди. Қолганини ўн беш йил давомида тўлайверасиз.

Мақсуд шундай деб 2018 йил февраль ойига қадар Мансур Валиевдан сугурта учун 2 миллион сўм, бошланғич тўлов сифатида 64 миллион сўм, жами 66 миллион сўм пул олади. Қолаверса, янги қурилатган уйнинг хонадонларидан бирини унга кўрсатиб, ишончига қиради. Олган пулларини шахсий эҳтиёжга ишлатиб юборади. Уй ҳужжатларини сўраган М.Валиевга эса турли важ-қарсонлар кўрсатишдан чарчамайди.

Буни қарангки, тоқати тоқ бўлган Мансуржон бир куни банкка боради. Аммо банк ходимлари унинг номидан ҳеч қандай бошланғич тўлов амалга оширилганини маълум қилишади. Шундагина М.Валиев алданганини англаб етади...

Шундан сўнг Мақсуд эски таниши Одилжон Мўминов билан жиндий тил бириктиради. Натижада 2018 йил июнь ойида икковлон шаҳарнинг 1-кичиқ туманида истиқомат қилувчи фуқаро Салима Аҳмаджоновани алдашади. Гап шундаки, М.Аkbаров вилоят матбуот уйда компьютер оператори бўлиб ишловчи бу аёл билан турли ҳужжатларни ксеронусха қилиш учун кириб юрганда танишганди. Кейинчалик Одилжон икки-



си С.Аҳмаджонованинг ёлғиз аёл эканлигини билиб қолишади.

— Президент қарорига кўра, сизга ўхшаган ёлғиз аёлларга ўй қуриш учун ер бериляпти. Ўзимиз сизга ёрдам берамиз. Фақат ким ошди савдоси харажатларини тўласангиз бўлди, — дея аврашади боқариши.

Хатто уни ишонтириш мақсадида шаҳарнинг Орзу даҳасида ким ошди савдоси учун ажратилган ернинг 8 сотихини кўрсатиб, уй қуришни бошлаши мумкинлигини ҳам айтишади. Бу гапларга ишонган Салима 3200 АҚШ долларини уларга беради. Бироқ устамонлар бу пулларни ўз жигилдонларига уришади.

Мансуржон ва Салимаку Мақсудга бегона эди. Бироқ М.Аkbаров 2018 йил август ойида Паст Ровустон маҳалласида яшовчи таниши Жобирхон Нуриддиновни ҳам ўзининг фириб тўрига илтирилади. Яъни Жобирхонга Орзу даҳасида сотиладиган ерлари берилганини айтилади.

— Пул зарур бўлиб қолди. Шунинг учун сотаялман. Бўлмаса ҳозир ер сотадиган замон эмас, — дейди уни ишонтириш учун.

— Ўша ерни кўрсак бўлади-ми? — деб сўрайди Ж.Нуриддинов.

— Албатта, ҳозироқ боришимиз мумкин.

Шундай деб Мақсуд Жобирхонни Орзу даҳасига бошлаб боради. Сўнгра қозоқ қоқиб, чегаралаб қўйилган ерни унга кўрсатади. Лекин миждоз шунда ҳам М.Аkbаровга ишонмайди. Бинобарин, у оғайниси Луқмонжон Исломовга Мақсуд рўбарў қилган ерни кўриб, ўз фикрини билдиришини сўрайди. Луқмонжон бориб кўрсакки, белгиланган ер жуда кўнгилдагидек. Шу боис унинг ўзида ҳам худди шундай ер сотиб олиш нияти пайдо бўлади. Бу эса фирибгар ҳамтовоқларга жуда қўл келади. Оқибатда улар Ж.Нуриддиновдан 6000 АҚШ доллари, Л.Исломовдан 5500 АҚШ доллари пулларни олиб, киссаларига уришади. Иккала миждозни шубҳалантирмаслик учун бўлса, бирига "31-билет", иккинчисига "36" ва "37" рақамлари ёзилган, гербли муҳр билан тасдиқланган сохта ҳужжатларни тақдидан қилишади. Бироқ,

Бироқ кўп ўтмай, жабранувчиларнинг мурожаатига биноан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан айбдорларга нисбатан жиноят иши кўзгатилади. Жиноят ишлари бўйича Поп туман суди томонидан эса М.Аkbаров ва О.Мўминовга қил-

мишларига яраша озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, суд ҳукмида М.Аkbаровдан жабранувчи М.Валиев фойдасига, С.Аҳмаджонова, Ж.Нуриддинов ва Л.Исломовларга эса иккала судланувчидан етказилган зарарни ундириш ҳам белгиланди.

Жиноят иши ҳужжатларидан шу нарса аён бўлдики, М.Аkbаров муқаддам 2 мартабта — 2015 ва 2017 йилларда ҳам айнан фирибгарлиги, қолаверса, пора беришга далолат қилиш жиноятлари учун суднинг қора курсисига ўтирган. Шундан биринчисида муддатидан олдин жазодан озод қилинган бўлса, иккинчи жиноят иши амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатилган. Бироқ ўзига кўрсатилган гамхўрликнинг қадрига етиш ва қилмишидан тегишли хулоса чиқариб олиш ўрнига яна фирибгарликка қўл урди. Бу ҳам етмагандек, муқаддам судланмаган, бинойидек кун кечириб келаётган О.Мўминовни ҳам жиноят кўчасига етаклаганига нима дейсиз? Ажабмас, бу гал унинг кўзи очилса.

Ҳусниддин ҲАКИМОВ,
Поп туман прокурори
Илёсжон УСМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Поп туман судининг раиси

Бош прокуратура хабари

Ўқишга киритишни ваъда қилган университет ходими қўлга тушди

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Андижон давлат университетининг архив мудирини Г.М. фуқаро Э.Н.дан унинг ўзини ҳамда танишлари Д.М. ва М.Ю.ни мазкур университетнинг "Тасвирий санъат" йўналиши бўйича "сиртки" бўлимига ўқишга киритиб қўйиш эвазига ҳар бири учун 4.000 АҚШ доллари талаб қилиб, жами 12.000 АҚШ долларини ўз хизмат хонасида олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Г.М.га нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда.

Бош прокуратура матбуот хизмати

ИИБ хабарлари

«Damas»чи жазоланди

Тошкент кўчаларида ЙПХ ходимидан қочиб "машҳур" бўлган "Damas" ҳайдовчисига маъмурий жазо тайинланди. У машинани тегишли ҳужжатларсиз бошқарган.

30 июль куни маъмурий ишлар бўйича Олмазор туман суди ушбу иш юзасидан тўланган материалларни ўрганиб чиқиб, Санжар К.ни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларида назарда тутилган (194, 128, 183-моддалар) ҳуқуқбузарлиқни содир этганлиқда айбдор деб топди.

У 15 сутка маъмурий қамок ва ЭКЖнинг 11 баробари миқдорда жарима билан жазоланди.

Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати.

«Газел» йўл-транспорт ҳодисасига учради

2019 йил 31 июль куни соат 11:00 ларда Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида яшовчи 34 ёшли Д.А. бошқарувидаги 99-сонли "Корус — Қўйлиқ бозори" йўналишида қатновчи "GA3-322132-288" русумли микроавтобусини Яшнобод тумани Оҳангарон шохўчасида ҳайдаб кетаётган, йўл четида тўхтаб турган Тошкент вилояти Уртачирчиқ туманида яшовчи 59 ёшли Р.Б. бошқарувидаги "КамАЗ-5511" русумли юк автомобиласининг орқа томонида урилиб, бошқарувни эгилмай, шу йўналишда ҳаракатланиб келаётган Тошкент вилояти Уртачирчиқ туманида яшовчи 24 ёшли Д.А. бошқарувидаги "DEU SC 77C" русумли юк автомобиласига урилиб ағдарилган.

Натижада "GA3-322132-288" микроавтобуси ҳайдовчиси ва олти нафар йўловчилари жароҳат олиб, касалхонага ётқизилганлар. Шунингдек, қолган 5 нафар йўловчига тиббий ёрдам кўрсатилиб, уйларига жавоб берилган. Ушбу ҳолат юзасидан дастлабки терговолди ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Нафсим менинг балодир...

Шу йил 29 июль куни Самарқанд вилоят ички ишлар органлари ҳодимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда Ургант тумани Мирзабоблон қишлоғида яшовчи 29 ёшли А.Н. ва 25 ёшли Д.Н. "Жартепа" МФЙ ҳудудида 1 қ. 445,85 гр. "опий" гиёҳвандлик моддасини 20 000 АҚШ долларида сотаётганида ушланган.

Ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Жамоатчилик ва ОАВ билан алоқалар бошқармаси

Божхона бекати

"Гўшт қиймалагич" божхонадан ўтолмади

"Олот" чегара божхона пости ходимлари томонидан сифати кафолатланмаган маийший техника буюмларининг ноқонуний айланмасига чек қўйилди.

Божхона ходимлари қўшни давлатдан кириб келган фуқаро А.К. бошқарувидаги юк автомобиласини кўздан кечириётганда юкларнинг тасвирини постда ўрнатилган инспекцион кўрик мажмуаси орқали аниқ ўрганишнинг имкони бўлмади.

Натижада мазкур юк автомобиласи божхона кўригидан ўтказилди ва унда юк кузатув ҳужжатларида кўрсатилганидан ортиқча бўлган, умумий қиймати 21,6 миллион сўмлик 36 дона "Гўшт қиймалагич" товарлари борлиги аниқланди.

Ҳозирда ҳолат юзасидан текширув ишлари олиб борилмоқда.

Қинғир режа иш бермади

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси Контрабанда ва божхона қонунбузилиши ҳолатларига қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан "Тошкент-товар" ташқи иқтисодий фаолият божхона постида сақланаётган товарлар ҳужжатларида кўрсатилган товарлар билан мутаносиблиги текширилди.

Текширув жараёнида хориждан пойтахтимиздаги масъулияти чекланган жамиятлардан бирининг номига келтирилган контейнерларнинг биридидаги 34 985 дона умумий қиймати 1,4 миллиард сўмлик "ўт ўчиригич мосламаси қисмлари"га кўрсатилган ташқи иқтисодий товар номенклатура кодлари нотўғри киритилгани аниқланди.

Шунингдек, яна бир ҳолатда "Арк-булок" божхона постида хориждан келтирилган товарлар белгиланган тартибда текширувдан ўтказилди.

Натижада хориждан пойтахтимиздаги масъулияти чекланган жамиятларнинг бирининг номига олиб келинган қурилиш товарларининг ҳужжатларида қиймати 761 941 АҚШ доллари кам кўрсатилгани фош этилди.

Шу тарихи қонунбузарлардан 2 миллиард сўм божхона тўловлари ундирилмади бўлди.

Айни пайтда юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари давом эттирилмоқда.

Давлат божхона кўмитаси матбуот хизмати

ҚИЗАМИҚ — асорати оғир касаллик


МУТАХАССИС ОГОҲЛАНТИРАДИ

Қизамиқ — ўткир, ўта юқумли вирусли, ҳаво томчи йўли билан тарқалувчи, циклик кечиши, интоксикация ва катарал яллиғланиш синдроми, тошмалар тошиши билан характерланувчи касаллик. Ер юзидан энг кенг тарқалган инфекциялардан бири бўлиб, унга барча ёшдаги кишилар, асосан, ёш болалар чалинувчан бўлади. Куз-қиш ва баҳорда кўпроқ учрайди. Инфекция манбаи фақат касалланган одам ҳисобланади, соғлом киши организмга вирус нафас йўллари орқали тушади.

Агар она қизамиққа қарши эмланган бўлса, болага ондан туғма иммунитет ўтиши мумкин. Лекин бу иммунитет уч ойгача сақланади, холос. Қизамиқ юқанда бола безовта бўлади, уйқуси бузилади, иштахаси йўқолади, холсизланади, баъзан

ич кетиши, қоринда оғриқ, оғирроқ ҳолларда умумий интоксикация, хушнинг йўқотиш аломатлари рўй бериши мумкин. Организмга юқори нафас йўллари шиллик пардалари, кўз конъюнктиваси ва бошқалар орқали кирган қизамиқ вируси

кўпайиб, кейин қонга тушади. Касаллик босқичма-босқич кечади: инкубацион (яширин) даври 9-11 кун; ундан сўнг продромал (бошланғич, катарал) даври 3-4 кун давом этади. Касаллик бошланишида тана ҳарорати 39° гача кўтариледи.



Қизамиқ марказий нерв тизими ва нафас аъзоларини зарарловчи касалликдир. Касаллик инфекциясининг кириш йўллари — нафас йўллари шиллик қаватлари бўлиб, бирламчи белгилари — конъюнктивит, ринит, тана ҳарорати кўтариледи, оғиз бўшлиғи шиллик қавати ва милкларининг юмшаши ва қизариши. Қизамиқнинг асосий клиник кўриниши касалликнинг 4-5 кунидан бошланади. Тошмалар юз соҳасига, оғиз бўшлиғига, сўнг қўл-оёқларга тошиши кўзатилади, бу вақтда беморнинг тана ҳарорати 39-

40 даражагача кўтарилади. Бемор атрофдагилар учун тошма тошишдан тўрт кун аввал ва тошма тошиши тугагандан тўрт кун ўтгандан ҳам юқумли ҳисобланади. Қизамиқ касаллиги зотилжам (пневмония), энцефалит, кўз ожизлиги, қулоқ инфекциялари каби оғир асоратларга олиб келади. Қизамиқ касаллигига қарши бир ёшли ва олти ёшли болалар эмланади. Ҳозирги кунда битта муолажа орқали қизамиқ, қизилча ва эпидемик паротитга қарши бўлган вакцина бир мартабта ишлатилди. Шприцда 0,5

доза юборилади. Эмлаш ишлари ҳудудий даволаш-профилактика муассасаларида ўтказилади.

Қизамиқ билан оғриган болалар уйда, оғирроқ ҳолларда, асорат қолганида касалхонада даволанади. Асосий аҳамият комплекс даволаш чора-тадбирларига қаратилади. Санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, хавос бўлган хонанинг хавосини тез-тез алмаштириб туриш ва тўғри овқатланишга эътибор бериш зарур.

Д. КОМИЛОВА,
Тошкент тумани ДСЭММ эпидемиолог ва касаллик профилактика бўлими раиси



САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ — АДОЛАТ МЕЗОНИ

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини янада мустаҳкам қафолатлаш мақсадида Сайлов кодексининг 7-моддасида "Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади", деб белгилаб қўйилди.

Имконияти чекланган шахсларнинг сайловга оид конституциявий ҳуқуқларини қафолатлаш мақсадида кодекснинг 31-моддасида сайлов бюллетенлари Брайль алифбоси асосида тайёрланиши мумкинлиги, 49-моддасида жисмоний имконияти чекланган шахслар учун зарур шарт-шароитлар яратиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг зиммасига юклатилиши, 50-моддасида овоз бериш хоналари ёруғ ва кенг бўлиши, алоҳида кириш ва чиқиш жойи бўлиши, шунингдек, уларда жисмоний имконияти чекланган шахслар учун нишаб йўлқалар назарда тутилган бўлиши лозимлиги қайд этилди.

Демократиянинг ёрқин ифодаси

Иккинчи мақола

Учинчи муҳим жиҳат бу сайлов комиссиялари билан боғлиқдир. Агар авваллари қонунларда фақат Марказий сайлов комиссиясига нисбатан фаолиятнинг ҳуқуқий асослари, мустақиллик, очиклик принциплари, фаолиятига ара-лашмаслик кабилар қайд этилган бўлса, эндиликда барча сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятини ҳар қандай давлат органларидан, жамоат бирлашмаларидан ва мансабдор шахслардан мустақил ҳолда амалга ошириши белгилаб қўйилди.

Сайлов комиссияларининг фаолиятига ара-лашшига йўл қўйилмаслиги ва бундай ара-лашув кронунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши, сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Сайлов кодексига ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилиши, сайлов комиссиялари ўз фаолиятини очик ва ошқора амалга ошириши, сайлов комиссиясининг мажлисларида сиёсий партияларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар ҳозир бўлиши мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Сайлов комиссиялари номзодларга, сиёсий партияларга сайлов кампаниясида ўтказиш учун тегишли шароитларни, сайловга тайёргарлик қўриш ҳамда уни ўтказиш учун ажратилган бюджет маблағларининг адолатли тақсимланишини, овоз беришнинг ва сайлов яқунларини чиқаришнинг ҳалол бўлишини таъминлаш юзасидан зарур чоралар қўриши белгилаб қўйилди.

Авваллари фақат Марказий сайлов комиссияси аъзоллигига талаблар белги-ланиб, бошқа сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан талаблар қонунларда акс этмаган эди. Кодекснинг 25-моддасида ушбу бўшлиқ тўldирилиб, йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тарихисидида, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар виллоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг, округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкинлиги қайд этилди.

Бошқа сайлов комиссияларининг аъзолари, сиёсий партияларнинг аъзолари, виллоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, номзодларнинг яқин қаринодошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бево-сита бўйсунувчи шахслар сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Авваллари сайлов комиссиялари қайси ташкилот биносидида жойлашган бўлса, унинг аъзолари ҳам одатда деярли тўлиқ мана шу ташкилот аъзолари-дан иборат бўлиб қолар, кўпинча унинг раҳбари комиссия раиси бўларди. Бу эса уларнинг холислиги, объективлиги, қарорларни демократик асос-да, коллегиял қабул қилишига нисба-тан саволларни келтириб чиқарар эди. Эндиликда бундай амалиётни бартараф этиш мақсадида участка сайлов комис-сияси аъзоларининг яримдан кўпи бит-та ташкилотдан тавсия этилиши мум-

кин эмас, деган норма киритилди. Бу демократик талаб бўлиб, коллегиялик, адолатлиликни таъминлашга хизмат қилади.

Авваллари муддатидан аввал овоз берувчилар учун "сайлов варақаси" де-ган тушунча бўлар эди. Сайлов бюлле-тени билан бирга сайлов варақаси де-ган тушунча борлиги кўпинча сайлов комиссиялари аъзоларини, оддий фу-қароларни ҳам чалғитарди. Эндиликда сайлов варақаси деган тушунча қонун-чиликдан чиқарилиб, барча овоз берув-чилар учун ягона тушунча — бу сайлов бюллетени бўлди.

Агар авваллари Қонунчилик палата-сига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округлари виллоятлар ва Тош-кент шаҳар ҳокимликларининг тақдим-номасига биноан тузилган бўлса, эн-диликда Қонунчилик палатаси депутат-лари сайловини ўтказиш бўйича сай-лов округлари халқ депутатлари вилло-ятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларин-инг тақдимномасига биноан тузили-ши алоҳида белгилаб қўйилиб, вакил-лик органларининг ролини оширишга уруғ берилди.

Мавжуд амалиётни ҳисобга олиб, Сайлов кодексининг 10-моддасида Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кен-гашлар депутатлари сайловини бир вақт-да ўтказилган тақдирда, Қонунчилик па-латаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари то-монидан ягона сайлов участкалари ту-зилиши белгилаб қўйилди.

Агар авваллари виллоят, туман, ша-ҳар сайлов комиссияларининг раисла-ри тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан белгилашни мазмунидаги қоида мустаҳкамланган бўлса, эндилик-да комиссияларнинг мустақиллигини ошириш мақсадида раис ушбу комис-сия аъзолари орасидан сайлов комис-сияси мажлисида тегишли маҳаллий Кенгашининг тақдимномасига биноан сайланиши белгилаб қўйилди.

Кодексда Марказий сайлов комис-сияси фаолиятининг доимийлиги ва профессионалиги, мустақиллигини қу-чайтириш мақсадида Марказий сайлов комиссиясида доимий асосда ишловчи комиссия аъзоларининг сони кўпи би-лан етти кишидан иборат бўлиши, до-имий асосда ишловчи аъзолар илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шугулланиши мумкин эмаслиги, аъзоларга Қонунчилик палатаси депу-татларига, Сенат аъзоларига нисбатан қўлланиладиган дахлсизлик тўғрисида-ги қоидалар татбиқ этилиши мустаҳ-камлаб қўйилди.

Кодексда овоз бериш сайлов кун-и соат 8⁰⁰ дан 20⁰⁰ гача ўтказилиши бел-гилаб қўйилди. Аввалги қонунларда бу соат 6.00 дан бошланиши белгиланган бўлиб, сайлов комиссияси аъзоларига ҳам бир қатор ноқулайликлар келтириб чиқарарди. Шунингдек, сайлов декабр-да бўлишини ҳисобга оладиган бўлса, бу вақтда ҳали кун чиқмаган, қоронғи вақт бўларди.

Кодексда участка сайлов комиссия-сининг баённомасида акс эттирилган, овозларни санаб чиқиш чоғида ному-вофиқликлар аниқланган тақдирда, ок-руг сайлов комиссияси ўз мажлисида

участка комиссиясига ушбу номувофиқ-ликларни бартараф этишни таклиф қилишга ҳақли, деган норма киритил-ди. Аввалги қонунда бундай қоида ма-вжуд эмас эди.

Тўртинчи муҳим жиҳат бу кодекс-да фуқаролик жамияти институтларига берилган имкониятлар, жамоатчилик назорати ва иштироки билан боғлиқ. Авваллари маҳалладан кузатувчилар фақат халқ депутатлари виллоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловидида иштирок этиши назарда тутилган эди. Эндиликда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар барча сайловларда қатнашиши мумкин-лиги қайд этилди. Бу сайловлар усти-дан фуқаролик кузатувини, шаффоф-ликни таъминлашга, сайлов жараёнига жамоатчилик ишончи ошишига омил бўлиб хизмат қилади.

Кодексда Марказий сайлов комис-сияси раиси комиссия мажлисларида иштирок этиш учун жамоат бирлаш-маларининг вакиллари ва мансабдор шахсларни таклиф этишига оид қоида ҳам мустаҳкамланди.

Фуқаролик жамияти институтлари вакиллари имзо варақалари тўғри тўldирилганини текширувчи Эксперт гуруҳи таркибига жалб этилишига оид қоида мустаҳкамланган жамоатчилик назоратини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, агар аввал участка сай-лов комиссияларининг аъзолари жамо-атчиликнинг обрўли вакиллари ораси-дан тайинланади, деб белгилаб қўйиш билан чекланган бўлса, эндиликда ко-декснинг 23-моддасига асосан участка сайлов комиссияси аъзоллигига номзод-лар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқа-риш органлари, жамоат бирлашмала-ри, корхоналар, муассасалар ва таш-килотлар томонидан таклиф этилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Кодексда сайловчи турган жойида овоз бериш вақтида ҳам кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакил-лари ҳозир бўлиши мумкинлиги қайд этилди. Бу ҳам жамоатчилик назорати, очиклик ва ошқораликни таъминлашга хизмат қилади.

Бешинчи муҳим жиҳат бу кодекс-да юқори палата — Сенатни шакллан-тириш тартиби батафсил тартибга со-линганлигидир. Аввалги қонунда давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлисини қақриш, Сенат аъзоллигига номзодлар кўрсатиш, шунингдек, овоз беришни ўтказиш қонун ҳужжатларидида белгиланган тартиб-да амалга оширилиши, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилло-ятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депу-татларининг тегишли қўшма мажлисла-рида Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низоми Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқи-лиши ва тасдиқланиши билан чегаралан-ган эди. Кодексда Сенатни шаклланти-ришга оид тўғридан-тўғри амал қилу-вчи 13 та модда бағишланиб, бу муно-сабатлар бевосита қонун билан тарти-бга солиниши таъминланди.

Олтинчи муҳим жиҳат кодексда сайлов жараёни янада такомиллаш-тиришининг энг муҳим йўналишларидан бири — замонавий ахборот-коммуни-

кация технологияларини кенг жорий этиш асослари қонунан мустаҳкамлан-ганлигида намоён бўлади. Кодексда Сайлов жараёнини бошқаришнинг ах-борот тизимини жорий этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси сайловчиларининг ягона электрон рўйхатидан фой-даланишга оид қоидалар белгиланди. Сайловчилар рўйхатлари Сайловчилар-нинг ягона электрон рўйхатини шакл-лантириш бўйича ахборот тизими маъ-лумотлари асосида тузилади.

Кодекснинг 28-моддасида "Сайлов-чиларнинг ягона электрон рўйхати"га оид қоидалар белгилаб, унга асосан сайловчиларнинг ягона электрон рўйха-ти ваколатли давлат органларининг ах-борот базаларига мувофиқ сайловчи фуқаролар, уларнинг доимий ва вақ-тинча яшаш жойлари манзиллари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган дав-лат ахборот ресурсларидир.

Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ваколатли давлат органлари томонидан тақдим этиладиган ахборот негизда шакллантирилади ва янгилаб турилади, сайлов кампанияси даврида эса тегишли участка сайлов комисси-ялари томонидан аниқлаштирилади.

Ҳар бир участка сайлов комиссияси тузилганидан кейин уч кун ичида Сай-ловчиларнинг ягона электрон рўйхати-да тақсимланган мазкур участка сайлов-чиларининг дастлабки рўйхатини олади.

Сайлов комиссиялари аҳолини ўйма-уй айланиб чиқиш натижалари бўйича сайловчининг Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидаги фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзиллиги оид тузатиш-лар қилиб, сайловчилар рўйхатларига ўзгартишлар киритиши мумкин. Сайлов кун-и сайлов участкаларида Сайловчи-ларнинг ягона электрон рўйхатидан олинган сайловчилар рўйхатларидан фойдаланилади.

Кодекснинг муҳим янгиликларидан бири бу очиклик ва ошқораликни таъ-минлашга хизмат қилувчи нормаларни ўз-ида ифода этганидир. Бунга мис-ол қилиб, фуқароларга Марказий сай-лов комиссиясининг расмий веб-сайти орқали сайловчилар рўйхатидан ўзла-рига тегишли маълумотлар билан та-нишиш имконияти таъминланиши, Мар-казий сайлов комиссиясининг қарор-лари унинг расмий веб-сайтида ўша куннинг ўзида эълон қилиниши, вилоят, туман, шаҳар сайлов ко-миссиялари расмий веб-сайтларида ўз таркиби, манзили ва комиссиянинг те-лефон рақамлари тўғрисидаги маълум-отларни эълон қилиши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-лисига сайлов яқунларига кўра Марка-зий сайлов комиссиясининг қарори Марказий сайлов комиссиясининг рас-мий веб-сайтида эълон қилиниши, сиё-сий партияларнинг сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажрати-ладиган давлат маблағларининг бир номзод ҳисобига тўғри келадиган миқ-дори ҳақидаги ахборот Марказий сай-лов комиссиясининг расмий веб-сай-тида эълон қилиниши, Сенат аъзола-рини сайлаш бўйича Марказий сайлов комиссиясининг қўшма мажлисларни ўтказиш санаси, вақти ҳамда жойи кўрсатилган қарори унинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши, сиёсий партиялар ўзининг сайловда иштирок этишини молиялаштириш тўғрисидаги ахборотни сайлов яқунлари эълон қилинганидан кейин бир ой ичида ўз расмий веб-сайтларида ва босма нашр-ларида эълон қилиши кабиларни кўрсатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, қабул қилин-ган Сайлов кодекси жоноҳон Ватани-миз, олиханоҳ халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиб, Ўзбекистон Республикаси фу-қароларининг сайловга оид консти-туциявий ҳуқуқлари давлат муҳофазаси-да эканлигини таъминлаб, юртимизнинг сиёсий-иқтимоий ҳаётида фойт муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу сиёсий жа-раёни юқори савияда ўтказишнинг қонуний асосларини белгилайди.

Мирвазол МИРАҚУЛОВ,
юридик фанлар доктори,
доцент



Британиянинг Brexit буйича вазири Стивен Баркли томонларнинг қандайдир битимга келиши ёки аксинча бўлишидан қатъи назар, 31 октябрда Буюк Британия Европа Иттифоқидан чиқи-шини маълум қилди.

"Бизда Brexitга янгича ёнда-шув бор ва Евроиттифоқдан чиқишга тайёризм, — деди у. — Евроит-тифоқнинг Brexit асосий музокарачиси Мишел Барнье билан учрашиб, нуктаи назаримизни аниқ қилиб айтдим: битимни бўлиши-ни истаймиз, лекин биз 31 октябрда, албатта, ЕИдан чиқамиз".

"CBS News"нинг хабар беришича, Сибирдаги ўрмон ёнгинлари Арктика музликларининг янада тезроқ эришига олиб келиши мумкин. Бу эса, глобал иқлим иссиғига олиб келади, деб ишонч билдиришмоқда эколог-лар.



Хабарга кўра, ўрмон ёнгинлари авваллари ҳам Сибирда кўп куза-тилган, лекин бу иилгисининг кўлами кучли бўлгани боис туфайли афтоф-муҳитга узок муддатли салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бутунжаҳон метеорология ташкилоти баёнотида "Муз ёки қор усти-га тушадиган қуллар уни қорайтиради, шу билан унинг ёруғлики қайтариш хусусияти пасаяди, иссиқ ҳарорат кўпроқ сақланади", дей-илади.

Шунингдек, олимлар НАСАНинг сунъий йўлдошдан олинган фото-суратларида Сибир ўрмон ёнгинларининг тутуни Арктика худудлари-га етиб бораётгани акс этганини айтишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, музликларнинг эришини тезлаштириши мумкин.

Россия Либерал-демократик партияси етакчиси Владимир Жири-новский фикрича, кенг кўламли ёнгинлар ўрмон қўриқчиларининг штати кескин қисқариб кетгани оқибатида юзага келмоқда. "Ўрмон қўриқчиларининг сони беш баробарга қисқариб кетди. Авваллари беш ёнгин ўчоғини тезда аниқлаган ва озгина куч билан уни ўчирган бўлса, эндиликда уни аниқлайдиган, кузатадиган одам йўқ. Олов миллионлаб гектар худудни эгаллашни кутиб ўтираемиз! Шунда ҳам ўчирини хоҳлашмайди. Қўймаз! Тўғри, бу қўймазга тушади. Бирок одамлар ҳақида ким ўйлайди", — деб ёзади у ўзининг "Telegram"даги ботида.



"Reuters" ахборот агент-лигининг ёзишича, Саудия Арабистони ва Эрон ўртаси-даги зиддият Яқин Шарқда устунлики қўлга киритишга ҳаракат натижасида келиб чиққан эди. Ар-Риёд Форс кўрфазиди Саудиянинг 6 та нефть ташувчи танкерига зарар етган ҳужумда Эронни айблаганди, расмий Техрон бун-и рад этган эди.

Ҳозирда Эрон музокараларга ўтказишга тайёр, агарда Саудия Ара-бистони ҳукумати тайёр бўлса, дея баёнот берган Эрон ташқи иш-лар вазири Муҳаммад Жавад Зариф.

"Агар Саудия Арабистони мулоқотга тайёр бўлса, биз қўшнилари-миз билан мулоқотга ҳар доим тайёризм, — деган Зариф. — Биз ҳеч қачон қўшнилари-миз учун эшикларимизни ёпмаганмиз ва ёпмаймиз". Шунингдек, Эрон худди шундай музокара-ларни БАА билан ҳам ўтқа-зишни ҳам айтган. Унинг қўшимча қилишича, "агар улар сиёсатини ўзгартирса, мулоқот учун жуда яхши имконият бўлар эди".




"AFP" хабарига кўра, Қирғизистон президенти Сооронбай Жээнбеков Чўй области аҳолиси билан учрашув чоғида собиқ президент Алмазбек Атамбоев атрофида-ги вазиятни қонун доира-сида ҳал қилишимиз лозим, деди.

"Биз қонунга бўйсунамиз. Қонун олдида ҳамма тенг. Давлатимиз шундагина ривожланади. Атамбоев иши ҳам Қирғизистон қонунчили-ги доирасида ҳал этилиши шарт", — деди у.

Президент сўзларига кўра, у ҳеч қачон бир шахс ёки маълум бир шахслар гуруҳи манфаатларини ҳимоя қилишга ва "ўғирликларини яширишга" ваъда бермаган.

"Мен халқ президенти бўлишга онг ичганман. Президентлик вако-латини яқунлаганимдан сўнг халқим ичида бўлиш, халқим ёдида яхши ишларим билан қолиш. Мен учун халқ ва давлат манфаатлари устун. Атамбоев атрофидаги воқеалар, шунингдек, унинг гувоҳ сифа-тида терговга қақрилиши қонуний. Ҳуқуқий давлатда қонунчилик доирасида ҳаракат қилинади", — деб таъкидлади у.



"Reuters" ахборот агент-лиги хабарига кўра, эркак-лар томонидан ажрашиш имконияти 20 дан ортқ ислом давлатларида алла-қачон қонуний, деб тан олинган. Хиндистон ҳам айтини масала юзасидан яқуний қарорга келди ва ҳуқуқшуносларнинг 99 нафари "уч талок" қондасини бекор қилишга доир қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаган. 84 депутат рад этган.

Шунингдек, Хиндистон сиёсатчилар асрлар мобайнида мусулмон аҳоли томонидан қўлланиб келинаётган бир жумла билан ажрашиш амалиётини ноқонуний деб эълон қилди.

Бош вазир Нарендра Моди етакчилигидаги ҳукумат ушбу қонунни маъқуллаган. Утган сафарги уринишда қўллаб муҳолиф партиялар қаршилигига учраган қонун лойиҳасини қўлчилик маъқулламаган эди.

Энди эса, рафикаси билан юқоридида тарзда ажрашишга уринган эркак 3 йилгача қамалиши ёки жаримага тортилиши мумкин. Қонун-да яна бир қўшимча бор. Мусулмон эркаклар рафикаларига молия-вий ёрдам бериши, эр-хотин ўзаро келишган ҳолда ажрашган тақ-дирда, фарзандларини васийликка олишга мажбур бўлади.

Интернет материаллари асосида тайёрланди.

Коммунал соҳага хорижий инвесторлар жалб этилади

Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати хабарига кўра, Тошкент шаҳар ҳокими ва Оснб тараққиёт банкнинг Ўзбекистондаги доимий вакиллиги директор Синтия Мальвичини билан биргаликда "Тошкент шаҳар иссиқлик тармоқлари тизимини узок муддатли ижара шартида бошқарувга топшириш бўйича консултация хизматларини кўрсатиш бўйича келишув" имзоланди.



Мазкур келишув доирасида Осий тараққиёт банки Лойиҳада-ги битимлар бўйича Тошкент шаҳар ҳокимлигининг экс-клизив консултанти сифатида хорижий компаниялардан келиб тушган таклифларни ба-ҳолаш ҳамда амалдаги "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ги қонун талабларига кўра, хорижий компаниялардан келиб тушган таклифлар асоси-

да тендер танловини ўтказиб, энг мақбул хорижий компания-ни "Тошиссиқкувати" ДУК би-лан ижара шартномасини қўлла-лашда кўмаклашади. Давлат-ху-сусий шериклиги шартлари асо-сида мазкур лойиҳани амалга оширишдан асосий мақсад Тош-кент шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига хорижий ин-весторларни кенг жалб қилган ҳолда, иссиқлик тармоқларини модернизациялаш ва реконст-рукциялаш, тармоқлардаги бу-

гунги қунда мавжуд йўқотишлар-ни буткул бартараф этиш ва со-ҳада автоматлаштирилган хори-жий IT технологияларни қўллаш орқали юзага келаётган авария ҳолатларини олдини олиш ҳамда Тошкент иссиқлик таъминотида замонавий менежмент усуллари ва жараёнларни қўллашдан ибо-рат.

Бу эса, ўз навбатида, Тош-кент шаҳри аҳолиси учун янада кенг қулайлик ва шароитлар яра-тади.

